

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 712.3 (575)

СОҲИБНАЗАРОВ ТЕМУР

ЧОРБОҒ УСЛУБИДАГИ ҲОВЛИ БОҒЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ-
ЛАНДШАФТ ЕЧИМЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА
ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЯРАТИШ

5А340102 – “Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбари: меъм.фан. док.,
проф. А.С.УРАЛОВ_____

Илмий маслаҳатчи: арх.н.,
тех.ф.д., проф. К.Ж.РАХИМОВ

Самарқанд – 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

Факультет: Архитектура

Кафедра: “Архитектура
назарияси ва тарихи”

Ўқув йили: 2012-2013

Магистратура талабаси: Соҳибназаров
Темур

Илмий раҳбар: меъм.ф.д., проф. Уралов
А.С.

Мутахассислиги: Ландшафтлар
архитектураси_____

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

1. Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда ҳовли боғларига бўлган қизиқиш аввалги йилларга нисбатан, айниқса, Мустақиллик даврида анча ортди. Бунга сабаб давлатимиз томонидан республикаимиз аҳолисига шу жумладан, шаҳарларда ҳам хусусий тураржойлар қуриш имкониятининг яратилиши бўлди. Қишлоқ жойларда эса хусусий ҳовлили уйларнинг махсус тасдиқланган лойиҳалар асосида давлат кредит ёрдамида қишлоқ қурилиш ташкилотлари томонидан қурилиши бу уйларнинг ҳовлиларини меъморий-ландшафт ечимларига бўлган эҳтиёжларни ошириб юборди.

Шуни таъкидлаш керакки, юртдошларимизнинг иқтисодий имкониятларининг узлуксиз ошиб бориши ҳам бу масалага, яъни ҳовли боғларини функционал ва ландшафт ташкиллаштиришга бўлган эътиборни кучайтирди. Шундай қилиб, ҳовли боғларини лойиҳалаш бугунги кунда нафақат қишлоқларда, балки шаҳарларда ҳам долзарб муаммога айланди. Бундай ҳовли боғлари энди ушбу ҳовли эгаларининг махсус буюртмалари асосида сифатли лойиҳаланиши ва унинг ландшафтини меъморий жиҳатдан амалда самарали ташкиллаштириш талаб этилмоқда.

Юртдошларимиз энди ўз ҳовлиларини нафақат функционал, балки бадий эстетик ва манзаравий ландшафтининг, дизайнинг ҳам гўзал бўлишлигини хошлашмоқда. Бироқ, бу долзарб масалани илмий ойдинлаштирувчи ва унинг меъморий ечимларига қаратилган адабиётлар ва илмий ишланмалар республикамизда йўқ ҳисоби. Мазкур диссертация материаллари архитектурашунослик соҳасидаги ушбу бўшлиқни тўлдиради деган умиддаман.

2. Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ўрта Шарқ халқларининг миллий бунёдкорлик қадриятларига хос бўлган боғ-истироҳатчилик санъати ва ундаги “Чорбоғ” меъморий-ландшафт услубини ўрганиш ва уни ҳовли боғларинг меъморий ландшафт ечимларига жорий қилишнинг меъморий ва лойиҳавий назарий асосларини ишлаб чиқишдир. Ушбу мақсадга еришишда қуйидагилар илмий вазифа қилиб белгиланди.

1. Чорбоғ услубининг келиб чиқиш тарихи ва унинг ижтимоий аҳамиятини;
2. Чорбоғ услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-ландшафт ечимларини тадқиқ қилиш;
3. “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғларини меъморий-режавий ва ландшафт ташкиллаштиришнинг замонавий тажрибаларини таҳлил қилиш;
4. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг меъморий-режавий ва ландшафт ечимлари бўйича лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш;
5. Ҳовли боғларининг ландшафт дизайнини такомиллаштириш бўйича таклифлар.

3. Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектлари Ислом Шарқи мамлакатларининг ўрта аср анъанавий ҳовли боғлари ва Ўрта Осиёда ўрта асрлардан тортиб то ҳозирги кунгача қурилган ҳовли боғлари билан чегараланган.

Тадқиқот предмети Ўрта Шарқ халқлари ҳовли анъаналарининг “Чорбоғ” услуби ва унинг замонавий ҳовлилар меъморий-режавий ва ландшафт

дизайни ечимларида қўлланилишини тадқиқ ва таҳлил қилишдан иборатдир.

4. Тадқиқот услубияти ва услублари мавзуга тегишли тарихий манбалар, махсус илмий адабиётлар, график материаллар, миниатюралар ва бизгача сақланган тарихий ҳовли боғларини ўрганиб, илмий таҳлил қилиб, графоаналитик усулда таққослаб, уларни умумлаштириш ва шу асосда илмий хулосалар, назарий ва лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш-дир.

5. Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Ҳозирга қадар нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиё меъморчилиқ ва шаҳарсозлик фанида “Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларига хос тамойиллар илмий ёритилиб, уларнинг мазмун ва моҳияти чуқур очиб берилмаган. Анъанавий ҳовли боғларининг концептуал меъморий дастури ишлаб чиқилмаган ва бунинг натижасида Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услубини замонавий ҳовли боғларида қайта тиклашнинг илмий имкони-ятлари яратилмаган. Мазкур диссертацияда эса бу иш илк бор бажарилди ва илмий асослаб берилди.

6. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи шундаки, мазкур диссертацияда Ўзбекистон анъанавий ҳовлисозлик санъатида “Чорбоғ” меъморий ландшафт услубини амалий жиҳатдан қайта тиклаш имконияти ва унинг илмий асосларининг яратилди, амалий-лойиҳавий таклифлар берилди.

7. Ишнинг тузилиши ва таркиби. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, бетдан ташкил топган.

8. Бажарилган ишнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. “Чорбоғ” услубининг келиб чиқиш тарихи ўрганилди ва унинг ижтимоий аҳамияти очиб берилди;

2. “Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-ландшафт ечимларини тадқиқ қилинди ва аниқланди;

3. “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғларини меъморий-режавий ва ландшафт ташкиллаштиришнинг замонавий тажрибаларини таҳлил қилинди ва аниқланди;

4. “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғларининг меъморий-режавий ва ландшафт ечимлари бўйича лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқилди;

5. Ҳовли боғларининг ландшафт дизайнини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.
Диссертацияда қуйидаги таклифлар конверти ишлаб чиқилди ва илмий асослаб берилди:

1. “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимларини такомиллаштириш бўйича умумий таклифлар ишлаб чиқилди.

2. “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғларининг меъморий лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

3. “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғларини ландшафт лойиҳалаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Ҳовли боғларининг ландшафт дизайнини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Ушбу хулоса ва таклифлар Ўзбекистонда тарихан унут бўлган “Чорбоғ” услубидаги анъанавий ҳовли боғларини замонавий ҳовлисозлик амалиётига жорий қилишнинг илмий-назарий ва амалий-лойиҳавий ечимларини ишлаб чиқиш имкониятларини яратади.

Илмий раҳбар:

Уралов А.С.

Магистратура талабаси:

Соҳибназаров Т.

**MINISTRY OF HIGH AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF REPUBLIC
OF UZBEKISTAN**

**SAMARKAND STATE ARCHITECTURE – CONSTRUCTIONAL INSTITUTE
NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK**

Faculty : Architecture

Student of magistracy: Sohibnazarov Temur

Chair: “History and theory
of architecture”

Scientific adviser: prof.Uralov A.S.

Education year: 2012-2013

Specialty: Landscape of Architecture

ANNOTATION DISSERTATION OF MAGISTRACY

1. **Power of theme:** In Independence times the interesting in gardens, yards of Uzbekistan is developing than other years. The reason of this given chance from our state to citizen of our republic and building place of residence. Building of special yards by special plans in village place and by the state credit and by the help of agricultural constructional Organization is increasing the needs of architectural landscape of yards and house.

By the way the needs of economical possibilities of citizens is increasing the functional of yards and organization of landscape . In present times the projecting the yards not only in villages it's becoming a big problem in cities too. The organization of landscape by architecture way and projection of yards by the special order of the owners of this yards is requesting . Citizens wants not only yards in functional but esthetically , landscape , beautiful designs.

2. You work goals and objectives. In the Middle East people national building custom becoming as art rest-garden and teach ‘Chorbog’ build-landscape style and developed garden-yard build landscape and basis of theory planning. To achieve this goal it is scientific necessary to make the following.

1. History of appearance Chorbog style and it social actions;
2. Provide isolation Chorbog style of historical garden build-landscape;
3. Anylises of yard garden build-plan and provide isolation of modern landscape;

4. Develop by plan proposal of landscape and Build-planning yard garden of Chorbog style;

5. Develop proposal of landscape design of yard garden.

3. Represent the object and the subject. Representative object of Islam East country in Middle Ages customs yard garden and in Central Asia from middle ages till nowadays limited build of yard garden .

Representative subject in Middle East people yard customs ‘Chorbog’ style and its modern yard build-plan, analyses and present outcome landscape design .

4. Represent style and styling relation to this topic of historical books, special scientific literature, graphics materials, miniature and explore the rest of us to the historic gardens, scientific analyses, comparison in the style of Count analyst, all add and compared their conclusion, theory and developed plan.

5. Represent scientific news degrees . Till today not only Uzbekistan, but Central Asia build and by subject city building ‘Chorbog’ style scientific enlighten base of historical building – plan and landscape gardens, and discover their meaning and effect. Have not scientifically developed and restoration build planning of customs conceptual yard garden and there conclusion in Middle Asia of ‘Chorbog’ style. Present thesis dissertation shows that this work is done in the first and scientific conclusion.

6. Representative practice conclude and present in this, that present dissertation of Uzbekistan art of customs yard building ‘Chorbog’ build landscape style practical a chance to re-restore and developed its scientific base, practical-planning represent.

7. The composition and structure of the work . Entrance of Dissertation, 3 article, conclusion and used literature , pages .

8. General conclusion of done work :

1. Teaching of history appearance of ‘Chorbog’ style and open social develop.
2. Represent of ‘Chorbog’ style of historical garden of building landscape.

3. Architectural projection of yards in “Chorbog” style and modern experiments of landscape organization is analyzed and defined.
4. Architectural projection of yards in “Chorbog” style and projection orders of landscape is produced.
5. Projection offers have been produced about architectural projection of yards in “Chorbog” style and by developing of design of landscape of yards .

Short summarized expression of offers s and conclusions.

In dissertation is produced the offers converts and defined scientifically :

1. Architectural projection of yards in “Chorbog” style l and genereal offers have been made about developing the deficiency of landscape
2. General given offers about the development of landscape projection of yards in “Chorbog” style.
3. Offers have been produced about Landscape projection of yards in “Chorbog” style.

Conclusion and offers is made to solve practical-projection and scientific-theoretical problems of Historical forgettable “Chorbog” style and national houses and gardens .

Scientific adviser: prof.Uralov A.S.

Student of magistracy: Sohobnazarov T.

МУНДАРИЖА

бет

Кириш.....	10
I-боб. “Чорбоғ” услубининг келиб чиқиш тарихи ва унинг ижтимоий аҳамияти	21
1.1. Чорбоғ услубининг келиб чиқиш тарихи.....	21
1.2. Чорбоғ услубининг мазмуни ва моҳияти.....	22
1.3. Чорбоғ услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-ландшафт ечимлари.....	27
I-боб хулосаси.....	30
II-боб. “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғларини меъморий-режавий ва ландшафт ташкиллаштиришнинг замонавий тажрибаларини таҳлил қилиш.....	32
2.1. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларини меъморий-режавий ташкиллаштиришнинг замонавий тажрибалари.....	32
2.2. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг ўсимлик дунёсини ташкил қилиш тажрибалари.....	43
2.3. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг сув дунёси.....	49
II-боб хулосаси.....	54
III-боб. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларини такомиллаштириш	57
3.1. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимларини такомиллаштириш бўйича умумий таклифлар.....	57
3.2. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг меъморий лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар.....	59
3.3. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларини ландшафт лойиҳалаш бўйича таклифлар.....	63
3.4. Ҳовли боғларининг ландшафт дизайнини такомиллаштириш бўйича таклифлар.....	70
III-боб хулосаси.....	72
Якуний хулосалар ва таклифлар.....	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79

КИРИШ

1. Диссертация мавзусининг долзарблигини асослаш.

Мустақиллик туфайли сўнги 20 йил давомида ўзлигимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, қадриятларимиз тўғрисидаги қарашларимиз ўзгарди. Ўзбекистонда қадрият ва анъаналаримизга эътибор кучайди. Ҳозирда унинг турли қирралари олим ва мутахассислар томонидан таҳлил этилмоқда. Айнан истиқлол йилларида ўзбек халқи ўзининг анъанавий архитектурасидаги миллий қадриятлари, бой тарихий мероси ва маданиятини қайта тикламоқда.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлигининг аҳоли турар-жойларидаги миллий маънавий қадриятларни тиклаш, биз учун ўзлигимизни англашда, бир бутун миллат бўлиб шаклланишимизда муҳим ўрин тутмоқда. Чунки миллий қадриятларимизни ўзида акс этган анъанавий архитектурамиз ўзбек давлатчилиги ривожига ижобий таъсир қилганлигини буюк ўтмишимиз, тарихимиз ўзининг дунё тараққиётига қўшган ҳиссаси билан исботлаган. Бугун ҳам, агар биз тараққий этган давлатлар даражасига эришамиз ва дунёда ўз ўрнимизга эга бўламиз десак, давлатчилигимиз ривожланишига ижобий таъсир қиладиган миллий архитектура ва шаҳарсозлигимизни, турар-жой меъморчилигидаги анъаналарни янада ривожлантириб ҳамда ушбу анъаналаримизни ҳозирги замонга мослаштириб шакллантиришимиз лозимдир.

Маълумки, халқимизни асрлардан-асрларга мерос қилиб сақлаб келаётган миллий архитектураси ва анъанавий шаҳарсозлиги узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Бизнинг меъморчиликдаги миллий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос бўлган жиҳатлар: ичкари-ташқари ҳовли, айвонлар ва бошқа ёзги хоналар, ҳовузлар, фаввораچалар ўрнатиш, ҳовли ландшафтини шакллантириш хоналар ва ҳовлини шамоллатиш йўллари ташкил қилиш, нақшларни қўллаш кабиларни устиворлиги билан характерланади.

“Мустақилликга эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари, тарихини билишга, ўзлигини англашга кизиқиши ортиб бормокда. Бу – табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку-файзини, маҳобатини йўқотмаган осори-атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради”, - деган эди Республикамиз Президенти И.А.Каримов (Каримов И.А., 1998, 3-4-б.).

Дарҳақиқат, бугунги кунда миллий маданият ва санъатимизнинг барча соҳаларини қайта жонлантириш ва такомиллаштириш, илғор умуминсоний қадриятларни тинмай ўзлаштириб бориш билан бирга ўзлигимизни, энг самарали миллий анъаналаримизни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалалари республикамизда қабул қилинган миллий ғоя дастурига ҳам киритилган.

Маданий меросимизнинг ана шундай соҳаларидан бири, бу Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг боғ-парк санъатига хос “Чорбоғ” меъморий-ландшафт услубидир. Бу санъат Шарқда, жумладан Турон ва Эронда жуда қадим замонлардан бошлаб шаклланиб ва ривожланиб келганлиги бизга тарихий манбалардан маълум.

Ҳинд олими М. Рандхаванинг ёзишича, илк чорбоғларни яратган ҳукмдор Аҳамонийлар даври подшоҳи Кир I бўлган. Кейинчалик Кир II, Ксерекс, Доро ва уларнинг давомчилари ҳамда Сасонийлар даври подшоҳлари чорбоғларни нафақат Эронда, балки ўзлари зафт этган ўзга мамлакатларда ҳам бунёд этганлар. Бу ҳақда Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ҳам маълумотлар мавжуд. Туроннинг қадимги боғ-парклари ҳақида эса антик даври Юнон тарихчилари – Диадор ва Квинт Курций Руфлар хабар беради.

Афсуски, бу соҳани чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг самарали тамойилларини бугунги ҳаётимизга жорий қилиш ишларига эътибор суғул қаратилмоқда. Фақат Тошкент шаҳри ва республикамиз вилоятлари марказида улуг алломалар ва сиймолар юбилейлари муносабати билан қурилган мемориал боғ-ҳиёбонлар эътиборга олинмаса, бу санъатнинг миллий концепциясини яратиш ва уни қайта тиклаш устида арзугидек илмий ижодий ишлар олиб борилмаётир.

Мустақиллик йилларида вилоятларда ташкил этилаётган намунали хўжалик боғлари билан ўзбек халқининг азалий меъморий тарихий боғлари ва миллий боғ-паркчилик санъати орасида кескин фарқ мавжуд. Вужудга келган ана шу номувофиқликка барҳам бериш ва ўрта асрлар миллий боғ-паркчилик санъатини қайта жонлантириб, уни янги умуминсоний қадриятлар поғонасига кўтариш, ўрта асрлардагидек ушбу санъатнинг жаҳон тамаддунидаги муносиб ўрни ва ролини қайта тиклаш, уни жаҳон халқларига намойиш қилиш вақти келди, деб ўйлайман. Бу эса бугунги кун ҳаётини эҳтиёжларимиздан келиб чиқувчи умуммиллий долзарб муаммодир.

Ҳозирги кунда кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз ҳудудида боғ-парк санъати намуналарини учратамиз. Уларнинг кўп қисми қайта таъмирланиб, халққа хизмат қилаяпти. Аммо боғларнинг аксарият қисми эътиборга мухтож.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда чиқарган 322 - сонли “2011 – 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори бу соҳа ривожига давлат миқёсида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Бу соҳада республикамиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида олиб борилаётган амалий ишлар кўлами жуда катта. Тошкендаги Мустақиллик майдони ва ундаги Эзгулик аркаси,

Мустақиллик монументи ва Бахтли она ҳайкали ҳамда бу ердаги “Хотира ва қадрият” хиёбонларидан бошланган Ўзбекистон замонавий боғ-парк санъати нафақат вилоятлардаги пойтахт шаҳарлар, балки кичик шаҳарлар ва қишлоқларимиз ҳудудларини ҳам қамраб олмоқда.

Умуман олганда, боғ-парк санъатининг ривожлантиришга бўлган тизимли ёндошув давр талабига айланиб бормоқда. Паркларга шаҳар ҳудудидаги бир яшил оролча сифатида эмас, балки шаҳарлар ва агломерациялар бош режалари таркибига кирувчи яшил таркибий рекреацион комплекс сифатида қараш вақти ҳам келди. Бу эса шаҳарлар рекреацион ландшафтини ташкил этишнинг комплекс режаларини тузишга жиддий киришиш лозимлигини тақозо этади.

Олий таълим тизимида сўнги йилларда ландшафт архитекторлари, ландшафт дизайнерларини тайёрлаш масаласига эътибор кучайганлигини кўриш мумкин. Ландшафт архитекторлари, шаҳарсозлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар олдида турган вазифа – асрлар давомида боғ-парк санъати соҳасида Осиё ва Европа мамлакатлари ҳудудида тўпланган бой тажрибани замонавий талабларга мос равишда ўзлаштириб, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришга арзигулик боғ-парк санъатининг янги намуналарини яратишдан иборатдир.

Ўзбекистонда ҳовли боғларига бўлган қизиқиш аввалги йилларга нисбатан, айниқса, Мустақиллик даврида анча ортди. Бунга сабаб давлатимиз томонидан республикаимиз аҳолисига шу жумладан, шаҳарларда ҳам хусусий тураржойлар қуриш имкониятининг яратилиши бўлди. Қишлоқ жойларда эса хусусий ҳовлили уйларнинг махсус тасдиқланган лойиҳалар асосида давлат кредит ёрдамида қишлоқ қурилиш ташкилотлари томонидан қурилиши бу уйларнинг ҳовлиларини меъморий-ландшафт ечимларига бўлган эҳтиёжларни ошириб юборди.

Шуни таъкидлаш керакки, юртдошларимизнинг иқтисодий имкониятларининг узлуксиз ошиб бориши ҳам бу масалага, яъни ҳовли боғларини функционал ва ландшафт ташкиллаштиришга бўлган эътиборни

кучайтирди. Шундай қилиб, ҳовли боғларини лойиҳалаш бугунги кунда нафақат кишлоқларда, балки шаҳарларда ҳам долзарб муаммога айланди. Бундай ҳовли боғлари энди ушбу ҳовли эгаларининг махсус буюртмалари асосида сифатли лойиҳаланиши ва унинг ландшафтини меъморий жиҳатдан амалда самарали ташкиллаштириш талаб этилмоқда. Юртдошларимиз энди ўз ҳовлиларини нафақат функционал, балки бадиий эстетик ва манзаравий ландшафтнинг, дизайнинг ҳам гўзал бўлишлигини хошлашмоқда.

Бироқ, ҳозирги даврда архитекторларимиз ва ландшафт дизайнерлари бунга тайёр эмас ва улар бу масалалар бўйича чуқур зарурий билим ва кўникмаларга эга эмас. Мазкур диссертация ҳаёт билан таълим орасидаги ушбу номувофиқликни қисман бўлсада юмшатишга, мазкур масала ва вазифаларни, илмий-услубий ойдинлаштиришга қаратилган.

Таъкидлаш зарурки, собиқ Иттифоқ даври ландшафт архитектураси бўйича ёзилган китоблар ва илмий асарларда асосан оммавий парклар, скверлар, бульварлар ва шаҳарлардаги йирик яшил майдонлар ва ҳудудлар ландшафти ҳақида кўп ёзилган бўлиб, уларда хусусий ва жамоат бинолари ҳовли-боғларини, айниқса анъанавий “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғларини лойиҳалаш масалалари кўриб чиқилмаган. Бундай бўлиши ҳам мумкин эмас эди, чунки Совет даврида хусусий мулкчилик мавжуд эмас, алоҳида махсус боғларга эга бўлган ҳовлилар эса қурилмас эди. Бўлса ҳам улар афиша қилинмас, уларнинг мавжудлиги сир тутилар эди. Хусусий мулкчиликка рухсат берилган Мустақиллик йилларида эса хусусий ҳовли боғларига эҳтиёж кучайди. Ҳовлисида кимдир япон боғининг ёки хитой боғининг бўлишлигини, бошқа биров эса инглизча боғ, яна биров анъанавий ўзбекча чорбоғ яратишни хошлайди. Бироқ, қандай қилиб?

Бу ҳақда, яъни “Чорбоғ” услубидининг анъанавий ечимлари ҳақида махсус адабиётлар борми? Афсуски йўқ, бор бўлса ҳам улар жуда кам. Мазкур диссертация материаллари ушбу бўшлиқни тўлдиради деган умиддаман.

2. Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектлари Ислом Шарқи мамлакатларининг ўрта аср анъанавий ҳовли боғлари ва Ўрта Осиёда ўрта асрлардан тортиб то ҳозирги кунгача қурилган ҳовли боғлари билан чегараланган.

Тадақиқот предмети Ўрта Шарқ халқлари ҳовли анъаналарининг “Чорбоғ” услуби ва унинг замонавий ҳовлилар меъморий-режавий ва ландшафт дизайни ечимларида қўлланилишини тадқиқ ва таҳлил қилишдан иборатдир.

3. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари: Ўрта Шарқ халқларининг миллий бунёдкорлик қадриятларига хос бўлган, бироқ шу чоққача илмий жиҳатдан кам ишланган соҳаларидан бири – боғ-истироҳатчилик санъати ва ундаги “Чорбоғ” меъморий-ландшафт услубини ўрганиш ва уни ҳовли боғларинг меъморий ландшафт ечимларига жорий қилишнинг меъморий ва лойиҳавий назарий асосларини ишлаб чиқишдир. Ушбу мақсадга еришишда қуйидагилар илмий вазифа қилиб белгиланди:

1. Чорбоғ услубининг келиб чиқиш тарихи ва унинг ижтимоий аҳамиятини;
2. Чорбоғ услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-ландшафт ечимларини тадқиқ қилиш;
3. “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғларини меъморий-режавий ва ландшафт ташкиллаштиришнинг замонавий тажрибаларини таҳлил қилиш;
4. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг меъморий-режавий ва ландшафт ечимлари бўйича лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш;
5. Ҳовли боғларининг ландшафт дизайнини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш

4. Тадқиқот гипотезаси. Собиқ иттифоқ даврида меъморий ҳовли боғларини ландшафт ташкиллаштиришга эътибор суст қаратилган эди. Жамоат бинолари ҳовлилари эса Европа боғ-ландшафт услубида ечиларди. Мустақиллик даврида хусусий ҳовлили тураржойларнинг кўпайиши ва миллий қадриятларимизни қайта тиклашга бўлган қизиқиш ҳовли

боғларни анъанавий “Чорбоғ” услубида ташкиллаштириш ва бу услубнинг самарали йўллари ховлисозлик анъаналарига тадбиқ қилиш масаласига эҳтиёжни оширди. Мазкур диссертация гипотезаси айнан ана шу долзарб муаммони илмий-амалий ечишга қаратилгандир.

5. Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Ўрта Осиё халқларининг боғ-паркчилиги ҳақидаги тарихий маълумотлар қатор ёзма манбаларда: “Бобурнома”, “Зафарнома”, “Убайдулланом”, “Бухоро тарихи” каби китобларда ҳамда Ўрта Осиёга келган қадимги араб географлари ва бошқа хорижий тарихчилар, элчилар ва саёхатчилар томонидан бу ҳақда қизиқарли маълумотлар берилган.

Бироқ, шуни таъкидлаш зарурки, бу асарлар ва тарихий манбаларда Ўрта Осиё боғ-паркчилик санъати ва унинг “Чорбоғ” услуби ҳақидаги маълумотлар асосан ёзма шаклда, қисқа ва ҳовли ахборотлар тарзида ёритиб қолдирилган. Уларда қайси боғ ёки чорбоғ, қачон ва ким томонидан, нима мақсадда ва фақат, айрим ҳоллардагина, қай тартибда қурилганлиги ҳақида ёзилган. Бу боғларнинг меъморий режаси, боғларда экилган дархт ва гуллар, кўшк ва саройлар ҳақида баландпарвоз сўзлар келтирилган.

Жумладан, Муҳаммад Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома” асарида Бобурнинг ўзи бунёд этган боғлар, шунингдек, Темур ва темурийлар томонидан Самарқанд ва Ҳиротда яратилган боғлар хусусида, Ибн Арабшоҳнинг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари” ва Шарафуддин Яздийнинг “Зафарнома” асарида ҳам Амир Темурнинг Самарқанд шаҳри атрофида бунёд этган боғлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Ўрта аср боғларининг тасвирлари “Бобурнома” ва “Зафарнома”га ишланган миниатюраларда ҳам мавжуд. Уларда Бобурнинг Қобул ва унинг атрофидаги ҳамда Дехли, Одинапур ва Гулаверда бунёд этган боғларининг айрим кўринишлари тасвирланган. Уларни кўриб, биз ўрта аср ислом шарқи боғларининг тузилиши, уларнинг шаклу-шамойиллари ҳақидаги дастлабки тушунчаларни кўз ўнгимизга

келтирамиз. Тарихчи археологлар ҳам бу соҳада нафақат ёзма, балки далилий ашёлар, боғлардаги кўшк-саройлар, уларнинг безаклари ҳақида қимматли ашёвий маълумотлар топган, айрим ҳолларда ҳатто ўша боғлар ва боғ-саройлар тарҳини график тиклашга ҳам жазм қилганлар. Масалан, тарихчи археолог олим Ў. Алимов Амир Темур бунёд этган боғлардан айримларининг схематик режасини, шу жумладан, улардаги саройлар: Боғи Давлатобод, Боғи Бўлди, Боғи Дилкушо саройларининг тарҳини график тиклашга ҳаракат қилган.

Академик Г.А.Пугаченкова ва архитектура доктори Д.А.Нозиловлар ҳам Ўрта Осиё боғ-паркчилик санъати анъаналарини атрофлича ўрганиб, ана шу боғларга хос “Чорбоғ”нинг график тасвирларини яратган.

Архитектура доктори, академик М.С. Булатов ўзининг “Сады и парки эпохи Темура и Темуридов” номли мақоласида Амир Темур ва Темурийлар, шунингдек, Бобурийлар даврида Шимолий Ҳиндистонда бунёд этилган боғлар мисолида ўша давр боғларининг ўзига хос таснифтизими ишлаб чиққан. Шунингдек, архитектура докторлари С.С.Ожегов., А.С.Уралов, техника фанлари доктори К.Ж.Рахимовларнинг “Ландшафт архитектураси ва дизайни” номли китобида, А.С.Уралов ва М.Х.Хожихоновларнинг “Темурийлар маънавияти ва маданият”, “Улуғбек яратган маънавият” номли монографияларида, тарих фанлари доктори Т.Ш.Ширинов ва тарих фанлари номзоди А.Бердимуродовларнинг “Амир Темурнинг Самарқанддаги боғ-саройлари” номли рисоласида ҳамда меъморчилик фанлари доктори М.Қ.Ахмедов ва архитектура номзоди Л.А. Адиловаларнинг мақолаларида ўрта асрлардаги шарқона боғ-саройлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган ва, хусусан, “чорбоғ”ларнинг тузулиши ҳақидаги янги фикр мулоҳазалар илгари сурилган. Бу масалага, шунингдек, олима М.С.Тўхтаходжаева ҳам яқиндан ёндошиб, ўзининг “Общее в архитектурно-планировочных приёмах садово-паркового искусства Средней Азии XIV-XV вв. и Индии XVI-XVII вв.” деган мақоласида Ўрта Осиёда Темурийлар даврида тикланган боғлар билан

Бобурийларнинг Ҳиндистонда, хусусан, Кашмир ва Лахорда бунёд этган боғлари орасида ўзига хос тарихий–тадрижий давомийлик ва анъанавийлик борлигини ва, айти пайтда, улар орасидаги мавжуд тафовутларни, яъни меъморий-ландшафт ечимларидаги ўзига хосликни ҳам аниқлашга муваффақ бўлган.

Ўрта аср меъморий чорбоғлари ва хусусан чорбоғлар ҳақида архитектура доктори Ш.Д.Асқаров ҳам ўзининг “Регион- пространство-город” номли диссертациясида ландшафт архитекторлари ва меъморлар учун жуда фойдали бўлган илмий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиққан. Архитектура номзоди Т.В.Шацкая эса Шарқ мамлакатлари боғларига хос сув қурилмаларининг миллий хусусиятлари ва меъморий шаклларига бағишланган “Аквадизайн стран Востока” китобини ёзган.

Архитектура номзоди Н.В.Дробченко “История становления и пути развития ландшафтной архитектуры в Узбекистане” мавзусида диссертация ёзиб, унда Ўзбекистон ландшафт архитектурасининг шаклланиш ва ривожланиш йўлларини асослаб бериш билан бирга “Чорбоғ” услубини қайта тиклаш ғоясига ҳам тўхталиб ўтган.

В.В.Дормидонтованинг “История садово-парковых стилей” номли ўқув қўлланмасида (2004 й.) ислом боғлари ва жанубий Испаниядаги мавритан боғлари ҳақида қисқача бўлсада, бироқ мазмунли материаллар берилган.

В.Я.Курбатовнинг 2007 йилда нашр этилган “Всеобщая история ландшафтного искусства. Сады и парки мира” деган 736 бетли китобида «Архитектурные сады Азии» параграфи мавжуд бўлиб, унда Эрон ва Туроннинг тарихий чорбоғлари ҳақида деярли ҳеч нарса берилмаган. Унда Шимолий Ҳиндистондаги бобурийлар боғлари қисқача ёритиб ўтилган.

2008 йилда инглиз олимаси Эмма Кларкнинг “Искусство исламского сада” номли китоби инглиз тилидан рус тилига ўгирилиб чоп этилди. Китобда марказий ўринни ислом боғчилиқ санъатига хос “Чорбоғ” услубидаги боғлар эгаллаган. Тадқиқот объектига Шимолий Африка, Эрон,

Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Сурия мамлакатларининг X-XVII асрлардаги ва Испанияда араб халифалиги даврида қурилган ислом боғлари кирган. Муаллиф ислом чорбоғлари (чахар-боғ)ларини Қуръони Каримда тавсия этилган “жаннат боғлари”га қиёслайди. Асарда чорбоғни шакллантириш ғоялари, унинг геометрияси, таркиби, боғлардаги ўсимлик ва сув дунёсининг дизайни, сув таъминоти ва сувдан фойдаланиш услублари ҳамда ислом боғларини ташкил этиш бўйича амалий таклифлар берилган. Китоб чизмалар ва расмларга бой. Мазкур китобда келтирилган маълумотлардан ислом дунёсига хос бўлган “Чорбоғ” услубидаги анъанавий боғларни яратиш ва қайта тиклаш амалиётида фойдаланиш мумкин. Бироқ, Эмма Кларкнинг ушбу китобида Ўрта Осиёнинг ўрта аср чорбоғлари ҳақида деярли маълумотлар берилмаган.

Архитектура номзоди Т.Ш.Маматмусаев ўзининг “Улуғбек даври архитектураси” номли диссертациясида Самарқанддаги Боғи Майдонда Мирзо Улуғбек бино этган “Чилсутун” кўшкисининг меъморий кўринишини график тиклашга муваффақ бўлган.

Таъкидлаш зарурки, юқоридаги бизга маълум бўлган тарихий ёзма манбалар ва мавжуд илмий адабиётларда берилган маълумотлардан ўрта аср миллий шарқона боғ-оройишчилиги санъати ва “Чорбоғ” услубини ҳаётга янгидан жорий қилиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бироқ, бу соҳадаги замонавий илмий тадқиқотлар ва ижодий лойиҳавий изланишлар Республикамизда эндигина бошланмоқда, десам хато қилмайман. Чунки ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар каби ландшафт архитектураси ва боғ-паркчилик санъатида ҳам илғор тарихий миллий меросимизга қайтишимиз ва уларни тиклашимизга чуқур маънавий эҳтиёж сезилмоқда.

6. *Тадқиқот услубияти ва услуби* мавзуга тегишли тарихий манбалар, махсус илмий адабиётлар, график материаллар, миниатюралар ва бизгача сақланган тарихий ҳовли боғларини ўрганиб, илмий таҳлил қилиб, графоаналитик усулда таққослаб, уларни умумлаштириш ва шу

асосда илмий хулосалар, назарий ва лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш-дир.

7. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон архитектурашунослик фанида ушбу муаммо янада кенгрок, яъни нафақат Ўрта Осиё, балки Яқин ва Ўрта Шарқ ислом мамлакатлари анъанавий ҳовлисозлик санъати мисолида тадқиқ қилинди ва мавзунинг илмий натижаларини янада такомиллаштиришга қулай имконият туғилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, мазкур диссертацияда Ўзбекистон анъанавий ҳовлисозлик санъатида “Чорбоғ” меъморий ландшафт услубини амалий жиҳатдан қайта тиклаш имконияти ва унинг илмий асослари яратилди, амалий-лойиҳавий таклифлар берилди.

8. Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ҳозирга қадар анъанавий ҳовли боғларининг концептуал меъморий дастури ишлаб чиқилмаган ва бунинг натижасида Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услубини замонавий ҳовли боғларида қайта тиклашнинг илмий имкониятлари яратилмаган эди. Мазкур диссертацияда эса бу иш илк бор бажарилди ва илмий асослаб берилди ва лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқилди.

9.Ишнинг тузилиши ва таркиби. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, 81 бетдан ташкил топган.

I-БОБ

“ЧОРБОҒ” УСЛУБИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ

1.1. “Чорбоғ” услубининг келиб чиқиш тарихи

Халқимиз ўтмишда ушбу ном билан аталадиган машҳур боғлар бўлганлиги ҳақида тез-тез эшитиб турамиз. “Чорбоғ” ларда айникса, Амир Темурлар ва темурийлар яратган боғлар қиёсланади. Нафақат темурийлар даври боғлари, балки ислом шарқи мамлакатларининг энг яхши тарихий боғлари ҳам “Чорбоғ” номи билан боғланган. Ўрта Осиё республикаларида Чор Россияси ҳукмронлиги даври (XIX асрнинг 2-ярми)гача яратилган боғлар ҳам “Чорбоғ” услубида шакллантирилган.

Хўш, аслида “Чорбоғ” қандай боғ бўлган? Унинг келиб чиқиш тарахи қандай? “Чорбоғ”лар қандай фалсафа ва мантиқга асосланиб, қандай мақсадда яратилган? Ўтмишда яратилган “Чорбоғ”лар бизгача етиб келганми? Нега бугунги кунда “Чорбоғ”лар яратилмаяпти? Бу саволларнинг жавоби ўйлайманки, кўпчиликни қизиқтиради.

Мен “Чорбоғ” мавзуси билан кўпдан бери шуғулланиб келаман ва бунга сабаб менинг Ўрта Осиё меъморчилиги ва боғ-парк санъати тарихига қизиқишимдир.

“Чорбоғ” қадимги форсча сўз бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи ҳам Қадимги Эрон ҳудудида яшаган халқларнинг боғдорчилик ва боғ-парк тузиш санъати билан боғлиқ. Бироқ, афсуски, ҳозирги Эронда қадимги “Чорбоғ”ларнинг аксарияти сақланмаган. Маълумки, илк боғлар ҳукмдорлар синфига таалуқли бўлган. Чунки фақат уларгина боғлар яратиш боғларда дам олиш ва улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлар.

Ҳинд олими М. Рандхаванинг ёзишича, илк “Чорбоғ”ларни яратган ҳукмдор Аҳамонийлар даври подшоҳи Кир 1 бўлган. Кейинчалик Кир 2,

Ксеркс, Доро ва уларнинг давомчилари ҳамда Сосонийлар даври подшоҳлари чорбоғларини нафақат Эронда, балки ўзлари забт этган ўзга мамакатларда ҳам бунёд этганлар.

Бу ҳақда Фирдавсийнинг Шоҳнома асарида маълумотлар мавжуд.

“Чорбоғ”ларнинг атроф муҳитдан баланд деворлар билан ажратилишида бир неча мантиқ бор. Биринчидан, бу чорбоғ худуднинг хомклигини, унинг атроф муҳитдан холилаштирилмаганлиги, унга жаннатий рамз берилишини таъминласа, иккинчидан, боғни яхши сақлашга, унга кўз олайтиргандан авайлаб асрашга имкон туғдирган. Бу эса “Чорбоғ” мавқеини, унинг жаннатий туси ва маъносини янада оширган.

“Чорбоғ” бу шундай боғки, унинг марказида жойлашган жаннат ҳовузи ва фавворасидан тошиб чиққан зилол сув уфқнинг тўрт тарафига қараб тортилган жаннат ариқлари бўйлаб оқади ва тўрт боғни ташкил қилади. Айтишларича, бу ариқларнинг биридан зилол сув, иккинчисидан сут, учинчисидан асал, тўртинчисидан аса шароб оқар эмиш. Бу каби сўзларга фирдавсмонанд тушунча бериш унинг жаннатсифатлигини ошириш учун айтилган.

1.2. Чорбоғ услубининг мазмуни ва моҳияти

Ўз замонасида боғ-парк санъатиинг тенгсиз намунаси ҳисобланган Самарқанд Чорбоғларини қисман кўришга муяссар бўлган тарихчи Ибн Арабшоҳ, испаниялик элчи Клавихо, эшитганлари асосида ёзган тарихчи Шарафуддин Али Яздий, шунингдек, султон Заҳириддин Муҳаммад Бобир каби олимлар ҳамда Бухоро боғлари ҳақидаги маълумотларни тарихчилар Муҳаммад Наршахий ва Мирмуҳаммад Амин Бухорий чорбоғ яратиш санъати ҳақида ўз асарлари ва эсдаликларида қисқача ёзиб қолдирганлар.

Ўрта Осиёнинг тарихий боғларини ўрганишга В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, А.Ю.Якубовский, В.Л.Вяткин, И.А.Сухарев, М.Е.Массон, Г.А. Пугаченкова, Ў. Алимов, П.Ш.Зоҳидов, Д.А. Нозиловлар

алоҳида эътибор берганлар ва ўз изланишларида деярли фақат ёзма манбаларга суянганлар.

“Чорбоғ” тартибида қурилган тарихий боғларни тўлароқ тасаввур қилиш мақсадида ушбу услубнинг ёзма тарихий манбалардаги баёнига тўхтаб ўтамиз.

XVI аср муаллифи ҳиротлик зироатчи ва тарихчи Қосим ибн Юсуф Ниёзийнинг ”Ирошодўз зироат фи илмил харосат” (Экин экиш йўриқлари ва деҳқончилик илми) китобидаги “Чаҳорбоғ ва унинг иморати” бўлимига назар ташлайлик (Абдураимов М.А., 1956, №9, 103-108-б.; Норқулов Н., Низомиддинов И., 1970, 53-55-б.).

Унда чорбоғ тартиби қуйидагича баён этилган:

“Қоида шуки, чаҳорбоғнинг гирдини девор тагидан уч зироъ (1 зироъ 70 сантиметрга яқин) ташлаб, бир зироъ келадиган ариқ қазилади. Ариқнинг девор томонидаги қирғоғига бир-бирига яқинлаштириб сафидори Самарқандий (оц терак) экилади, у хушнаmodир. Кажу (қарағай) у қадар латофатли эмас, шунинг учун унинг ҳожати йўқ. Боғ тарафидаги ариқ қирғоғига савсан (гулсафсар) экиш муносибдир. Кейин яна раҳрав учун уч заръ (заръ-газ, 107 сантиметрга тенг), арқ (йўл), бир зироълик ариқ қазилади. Унинг арқ томонидаги қирғоғига савсан экиб, сафидордан беш зироъ узоқликда бўлган пуштасига зардолу экилади; ҳар икки зардолунинг оралиғига гули сурх ва шафтолу (экиш) муносибдир. Мазкур зардолунинг ҳар биридан кейин боғ ичкараси томон беш қарч ташлаб, ё зардолу экиб, олу, узум пайванд қиладилар. Шундан кейин ораликдан иморат олдидаги ҳовузга борадиган тўғри ариқ чиқазилади. Унинг қирғоғига ҳамиша баҳор, савсани расмий ва ҳанжарий экиладики, улар хушнаmodирлар. Мазкур шох ариқнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб раҳрав учун атрофи ўралган арқ ташланади. Кейин себарга (йўнғичқа, беда) учун жой ташланади. Себаргазор томонда алоҳида-алоҳида баланд чаҳочаман (тўрт гулзор) ажратилади. Биринчи чаман – анор, иккинчиси – беҳи, учинчиси – шафтолу ва шадир (шафтолининг бир тури), тўртинчиси амруд (нок) бўлади. Чаҳор –

чаманлардан кейин боғчалар тузилади. Биринчиси боғчага кўк бинафша, элчи савсан ва зебо гул ҳисобланган садбарг; иккинчисига заъфарон, наргис ва бирор оддий зебо гул; бошқасига боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гўш, дардари кокилий, оддий савсан, сахройи ва оқ савсан, оддий шақойик; яна бошқа боғчага оқ ёсуман, сариқ бинафша, лолайи дутабақа, шаббўйи ва сариқ лола, настарин, бағдодий, қазғо; яна бирига гулираъно, буларнинг оралиқларига хамхош (кўкнор гул); кейинги боғчага сариқ ёсуман, гули шамшоҳа, замбак (нилуфар), каранфулгул, лиму, савсани, савсани хатмий, уни яна гулхайри деб атайдилар. Боғчага хатми хитойи, оқ ёсуман, шаб ва дўстон, чаман акруз, лолайи хитойи, бўстон афруз (гултожихўроз) экиладики, бу гуллар бирин-кетин очилади. Боғчаларнинг этагига, уларнинг шарқий ва ғарбий томонларига настарин экилади; унинг ёнидан ҳовузнинг шимолий томонидан яна икки бута настарин экадилар, ҳовуз иморатдан 20 заръ ёки қанча муносиб топсалар, шунча узоқликда бўлиши керак. Иморатга яқин жойларга, унинг шарқ томонига олуболу, ғарб томонига гилос, улар оралиғига қизил арғун экилади. Иморатнинг жануб томонидаги лулапулга (атрофи ариқ бўлган суфа) олма экилади. Чунки иссиқ офтоб кунлари (олма дарахти) унинг тафтини қайтаради” (Ниёзий, ЎзФ Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 556).

Шарафуддин Али Яздий Самарқандда бунёд этилган “Боғи Дилкушо” мисолида чорбоғни қуйидагича таърифлайди: “Боғ тўрт бурчак шаклида бўлиб, ҳар бир томони бир ярим минг газга баробар. Тўрт томонининг ҳар бири ўртасида биттадан баланд дарвоза ўрнатилдики, уларнинг тоқи, осмоннинг муқарнас шифтига юксалган... Боғнинг тўрт томонидаги тўрт бурчакнинг ҳар бирида ат-Тоир ошёнига етгудек кабутар буржи қад кўтарган. Буржлар кошинкорлик санъати билан бағоят нафис ва гўзал қилиб безатилган. Боғ сахни ҳандаса услубида тўрт бурчак шаклидаги тенг чаманзорларга бўлинган.

Ўтар йўллар четига оқ тераклар, олти бурчак ва уч бурчак чаманзорлар атрофида эса турли-туман мевали дарахтлар ва гул буталар...

Боғнинг ўртасига учта баланд тоқли, куббаси эса кўкка бош тортган бир қаср кўрдилар...”(Шарафиддин А.Я., 1972, 241-б.).

Чорбоғнинг келиб чиқиши фикримизча, қуйидаги мулоҳазаларга ҳам алоқадордир. Шарқ мамлакатларида, айниқса, қадимги Эрон худудида яратилган халқ афсоналарида атрофи, яъни тўрт тарафи баланд деворлар билан тўсилган “Жаннат боғлари” ҳақида фикр юритилади. Жаннат боғлари таърифидан киши завқланади, дили яйрайди. Ҳатто боққа кириб, холи қолишни орзу қилади. Негаки, бундай боғда йилнинг барча фаслларида ҳам ям-яшил дов-дарахтлар, бута ва атиргуллар, чаманлар мавжуд. Серсоя хиёбонлар, ҳалганчаклар, шаркираб оқаётган зилол сувлар “Оби зам-зам”, мафтункор фавворалар, шалолалар, ҳовузлар бор, унда баликлар, ўрдаклар, боғда оху ва кабутарлар, булбуллар, товуслар яйраб юради. Боғ ичида мовий кўл, кўл ўртасида дарахтларга бурканган оролча, боғ марказида эса кўркам ва маҳобатли гир айвонли эҳром, унинг атрофида гўзал кўшклар, супа ва ҳовузлар мавжуд. Ушбу ҳовузлардан тўрт тарафга кетган ариқлар, ариқларда қалқиб оққан қизил олмалар...

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам ўз асарларида жаннат оройишли боғларни неча бор тасвирлаган. Жумладан, “Садди Искандарий”да: “... боғ таровати яшил осмон сингари беғубор, унда очилиб ётган ҳар бир гул юлдузни эслатади. Боғдаги дарахтлар тўрт девордан, девор эмас, заркор осмондан ҳам ошиб кетган... Дарахтларнинг тагида чаман-чаман гул чечаклар, лола билан кўк майсалар бамисоли нақшин гилам, оқ гуллар эса шу гилам устига тўкилган кумушни эслатади. Бу гулшан ичида бир кенг жой бўлиб, бу жойнинг ўртасида бир баланд иморат қурилган. Унинг саҳнлари, равоқ ва шифтлари бошдан оёқ олтин билан зийнатланган. Ёишлари чинни ёишлар бўлиб, тиниқликда ҳудди чин ойнасига ўхшайди. Қасрнинг ичи бошдан-оёқ зангор, эшикларнинг ҳаммаси гавҳар билан зийнатланган...”, деб ёзади (Навоий, 1978, насрий баён).

Кўп марталаб эшитилган бу ҳикоятлардаги жаннатсимон боғлар, дарҳақиқат, халқимиз орзу-умидларининг неча асрлардан бери дилимизда сақланиб келаётган рамзи сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Ушбу тўрт томонлик жаннат боғлари ва улардаги “Оби зам-зам”дан чор атрофга кетган жаннат ариқлари халқимиз онгида пировардида, чорбоғ услубидаги тартибли мунтазам режали боғларни бунёд этиш амалиётини келтириб чиқарган бўлса ажаб эмас. Зотан, халқимизнинг тўрт тарафи иморатлар ва девор билан айлантирилган ховли-жой куриб, уни кўркем боққа айлантириш удуми ҳам шу фикрни тасдиқлаб турибди.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида X-XI асрлардаги Бухоро боғлари (Жўйи Мулиёнлар мавзесидаги боғлар, гулзорлар ва бўстонлар, шаҳарнинг Иброҳим дарвозаси яқинидаги Малик Шамсулмулк яратган “Шамсобод” боғи) ҳақида маълумотлар мавжуд.

Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланом” асарида Бухоро шаҳри ёнидаги Хонобод чорбоғининг қурилиши ҳақида ёзилган. Чорбоғ Убайдуллахон томонидан 1709 йилда тарҳи квадрат шаклда, томонларининг узунлиги 1500 шарият заръи (1200 м) га тенг қилиб қурилади. Боғ деворлар билан айлантирилиб, ҳар томонида тўрт устунли баланд дарвозалар ўрнатилади. Боғ ичига маҳобатли ва мунаққаш сарой, унинг атрофига эса атиргуллардан гулзорлар бунёд этилади (Муҳаммад Амин-и Бухори, 1957).

Чорбоғ ҳудуди мунтазам квадрат катакларга бўлиниб, улар ичига олти ва уч бурчакли чаманлар, уларнинг четига мевали дарахтлар, йўллар ва боғ четларига эса ёш тол ниҳоллари экилади.

Асарда Чорбоғ ҳудуди турли хил ариқлар ва тоза зилол сув билан таъминланган яшил бўстонсарой ва гулзорларни, яъни “жаннат боғи”ни эслатади, деб ёзилган. Юқоридаги маълумотлардан бизга чорбоғ ҳақидаги муҳим икки нарса аён бўлади. Биринчиси, чорбоғ ҳудудининг мунтазам, яъни модулли катакларга бўлиниши бўлса, иккинчиси бу ўша квадрат катакларнинг ичига олти ва учбурчакли чаманларнинг ишланишидир. Биз

ана шу икки нарсага эътиборимизни қаратиб, чорбоғнинг аслида модулли боғ эканлигини ва унда нафақат катта квадрат чаманлар, балки боғда олти ва учбурчак чаманлар ҳам шакллантирилганлигини кўрдик. Бу эса бизга “чорбоғ”ни янада чуқурроқ тушуниб, уни ишончли тарзда график қайта тиклаш имконини беради.

1.3. Чорбоғ услубидаги тарихий боғларнинг меъморий -ландшафт ечимлари

Ҳар қандай боғнинг ўзига хос ўсимлик ва сув дунёси, релъефи, оби ҳавоси ва ҳайвонот дунёси мавжуд. Биз юқорида Чорбоғ услубидаги боғларнинг ана шундай ўзига хос хусусиятлари билан озми-кўпми танишдик. Бироқ, чорбоғлар инсон учун, унинг кайфисафоси, дам олиб хордиқ чиқариши учун яратилган экан, уларни инсонларга хизмат қилувчи меъморий шаклларсиз (айвон, шийпон, ўриндиқ, супа, сўри, чорпоя, кўшкларсиз) тасаввур қилиб бўлмайди. Аслида боғларнинг меъморий ҳовли шаклларига биз юқорида тўхтаб ўтган сув қу-рилмалари боғ (фавворалар, ҳовузлар, шаршаралар, чадарлар, чини-ханалар, чабутралар) ҳам киради. Бироқ, улар асосан гўзал боғ манзаралари, соз ландшафт муҳити ва микроиқлим яратиш учун қўлланилган.

Чорбоғда дам олвучилар асосан тахти равон, шийпон, чодир, айвонлар, кўшклардан фойдаланган. Айвонлар ва кўшклар боғнинг доимий объектлари ҳисобланса, тахти равон, шийпон ва чодирлар вақтинчалик ёки мавсумий боғ қурилмалари саналган. Бироқ, XIV – XV асрлардаги Самарқанд боғларида шийпонлар ва чодирларнинг тутган мавқеи кўшк ва саройлардан кам бўлмаган.

Самарқанд боғларини ўз кўзи билан кўрган Клавихо уларда ипакдан ва бошқа қиммат материаллардан тикилган кўплаб чодирлар, ҳар хил рангли гиламлардан ишланган шийпончалар бўлганлигини ёзади (Кларк Э., 2008, 111-б.). Г.А. Пугаченкова боғларда чодирлар ва шийпонлар қу-

ришни Шарқ мамлакатлари учун анъ-анага айланиб қолганлиги тўғрисида ёзиб, бу нарсани кўчманчилар анъанаси ва уларнинг тўқиш санъати билан боғлайди (Пугаченкова Г.А. 1960, 161-б.). Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи” номли асарида Самарқанддаги Кониғил мавзеидаги байрам ва сайллар пайтида тикиладиган чодирлар ҳақида ёзилган.

Бу ердаги чодирлар шунчалик кўп ва ранг-баранг бўлганки, шамол турган кезлар улар узоқдан гўё шамолда тебранаётган лолазорни эслатган. Чодирларнинг кўпчилиги кигиздан ишланган бўлиб, думалоқ шаклда бўлган (Вамбери Х., 1990, 50-б.). Бу ерда Вамбери ўтовларни назарда тутган бўлса керак, деб ёзади Ў.Алимов. Улар ичда Арабистондан олиб келинган чўзинчоқ шаклдаги чодирлар ҳам, Эрон сарпардалари (пардалардан ташкил топган сарой) ҳам бўлган. Сарпардалар тўртбурчак шаклда бўлиб, кенглиги юз қадамдан, баландлиги эса уч найза бўлган. Унинг ўрта қисми кўшкка ўхшаш ҳаво рангига бўялган бўлиб, уни ўн иккита устун кўтариб турган. Кўшк усти ярим айлана шаклидаги гумбаз билан ёпилган бўлиб, устунларига тортилган ипак материаллар ўн иккита қавариқ ярим ёй шаклини ҳосил қилган. Булардан ташқари кўшкнинг ҳар тарафида олти устун ёрдамида ушлаб турилган баланд эшиклари бўлган. Буларнинг ҳаммаси беш юздан ортиқ қизил боғичлар ёрдамида тортиб мустаҳланган. Кўшкнинг устки қисми қора, сариқ ва оқ шойи палослар, ички қисми эса зарҳал ипаклар билан тикилган шокилали гиламлар ва ипакдан ишланган ҳар хил безаклардан иборат бўлган. Ён тарафлардаги гумбазларнинг устки қисмлари эса ғоятда бой безаклар билан безалган бўлиб, кўшкнинг тўрт бурчагида қанотларини кенг ёйган бургутлар акс эттирилган. Тўрттала бурчакдаги устунлар шар ва ярим ойлар, ўртадаги бешинчи устун ҳам шулар каби, лекин катта ҳажмдаги безаклар билан безалган. Хуллас, кўшк узоқдан қасрга ўхшаб, минорали баланд ва ранг-баранг девор билан ўралган кўринишга эга бўлган. Бу каби маълумотлар билан танишар эканмиз, шуларга асосланган ҳолда боғлардаги чодирлар

ҳам шундай шакл-ларда ё шуларга ўхшаш бўлган, деб ёзади Ў.Алимов (Алимов Ў., 1984, 111-б.).

Чодирлар ва нақшли тахта сўрилар тасвирини Низомийнинг ”Ҳамса”сига ишланган миниатюрада ҳам учратамиз. Улар ичида айлана шаклида (ўтовга ўхшаш), тепа қисми куббали қилиб ишланган рангли чодирларни кўриш мумкин. Бошқа миниатюраларда ҳам юқоридаги ҳолларни учратиш мумкин. Кўпчилик ҳолларда сўрилар олдида отилиб турган фавворалар акс эттирилган.

Темур қурдирган айрим боғлардаги (жумладан, Боғи Давлатобод, Боғи Беҳишт, Боғи Чинор) боғ саройлари, юқорида эслатганимиздек табиий ёки сунъий баланд тепаликлар (таккурсилар) устига қурилган бўлиб, улар боғнинг турли томонларидан, айниқса, сарой ва уларга элтувчи хийбонлардан яққол кўзга ташланиб турган. Гўзал саройлар қурилган тепаликлар пойига ушбу саройларнинг акси тушиб турувчи сунъий сув ҳавзалари ишланиб, улар чор тарафдан кенг ариқ, хандақлар ёки ҳовуз-фавворалар тарзида бўлган. Бу каби меъморий услублар боғни янада гўзал ва тароватли қилган, дам олувчилар дилини завқу-шавққа тўлдирган.

Биз юқорида Бобурийларнинг Кашмир ва Лаҳорда қурдирган кўп саҳнли поғонасимон истироҳат боғлари ҳақида гапириб ўтдик. Бу боғлардаги ҳовли меъморий шакллarga юқорида эслатилган чадар, чини-хана, чабутралардан ташқари, ҳовуз фавворалар, зинапоялар, поғоналарни бир -бирига боғловчи қияликлар, тиргак деворлар, соябонлар, айвонлар кирган.

Ҳар бир ҳовли меъморий шакллар композицияси боғ кўшк-саройлари, павильонлар, дарвозалар тузилиши каби-гўзал меъморий пропорциялар, архитектуравий шакл мутаносиблиги ва боғ муҳитига уйғунлик, масшаблилиқ қоидаларига амал қилинган ҳолда ишланган. Бундай қоидаларга симметрия, композиция яхлитлиги, меъморий шаклларнинг такрорланиш мароми-ритм, асосий шакл (ҳажм)нинг устиворлиги, боғ

иморатининг курсиси, кириш қисми, дарвозаси ва тугал қисмларининг ечимига эътибор бериш, шунингдек иморатни безаш тамоиллари ҳам қуриладиган объект меъморий гўзаллиги ва шакллар гармониясини таъминлаш воситалари таркибига кирган.

I-боб хулосаси

1. Боғ қурилишида “Чорбоғ” услубининг келиб чиқиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади ва бу услуб илк бор Қадимги Эрон шоҳлари яратган меъморий боғларда қўлланилган. Шунинг учун ҳам унинг ватани Эрон ҳисобланади.

2. “Чорбоғ” услубининг мазмуни ва моҳияти шундаки, боғ режасининг тузилиши, тартибли мунтазам геометрик кўринишга эга бўлиб, боғда тўғри чизиқли бир-бирига кўндаланг ўтказилган ариқлар бўйлаб боғнинг энг тежамли суғориши тизими шаклланади. Чорбоғнинг марказида рамзий маънодаги “жаннат ҳовузининг булоғи” жойлашиб, унда уфқнинг тўрт тарафига тортилган “жаннат ариқлари” чорбоғ режасини шакллантиради ва тўртта “жаннат боғи”ни ҳосил қилади. Бу боғлар ҳам ўз навбатида яна тўртга бўлиниб, “чорчаман”лар ҳосил қилади. Чаманлар майдони эса бир-бирига ўхшаш бўлиб, уларнинг ҳар бирига турли хил мевали ва манзарали дарахтлар ва гуллар экилади.

3. Ариқлар кесишган жойларда ҳовузлар, катта чорбоғлар, марказида эса дам олиш учун кўшк-сарой ёки чортоқ шаклидаги айвон ва ҳовуз-хандақлар ўрнатилади. Уларнинг олдига эрта баҳордан кеч кузгача биринкетин гулловчи гуллар экилади. Ҳовуз-хандақларга эса кўшк-айвонларнинг акси тушиб жозибадор табиий манзаралар ҳосил қилади. Ҳовли чорбоғларининг марказига эга ҳовуз (фаввора) ўрнатилади. Бундай меъморий ландшафт муҳитида боғнинг ҳар бир элементи: чаманлар, ҳовузлар, ариқлар, кўшк-айвонлар, супалар, фавворалар ўзаро ва боғ

муҳити, иносн масштаби билан меъморий уйғунликда, пропорционал гармоник мутаносибликда бўлади.

4. Чорбоғ услубидаги меъморий боғларнинг икки хил кўриниши бўлиб, улар ер рельефининг тузилишига боғлиқ тарзда вужудга келган: 1-текис саҳнли чорбоғлар; 2-саҳни поғонали чорбоғлар. Поғонали боғлар, одатда, қиялик ва тоғ олди ҳудудларда шакллантирилган.

5. Чорбоғ режавий услуби ўтмишда ва ҳозирда ҳам Ислом шарқи мамлакатларида шаҳар ташқарисидаги рекреацион боғлар ва оромгоҳларда ва шаҳар ичидаги бинолар ҳовлиларида, тураржойларнинг ички ҳовли боғларида кенг қўлланилиб, ҳозиргача сақланиб келинмоқда. Биз уларни ўрганиб ва тадқиқ қилиб келажакда бунёд этилажак ҳовли боғларида қўллашимиз ва бу меросдан самарали фойдаланишимиз зарур. Чунки, бу мерос ота-боболаримизнинг иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида дам олиши ва яшаши учун яратилган қулайликлар тарихий қадриятларимиз ҳисобланади.

II-БОБ

“ЧОРБОҒ” УСЛУБИДАГИ ҲОВЛИ БОҒЛАРИНИ ЕЪМОРИЙ-РЕЖАВИЙ ВА ЛАНДШАФТ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЖРИБАЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

2.1. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларини меъморий-режавий ташкиллаштиришнинг замонавий тажрибалари

Европа мамлакатларида замонавий ҳовли боғларнинг хилма-хил турлари кенг тарқалган. Умуман олганда, Европада ҳовли боғлар деб махсус мақсадларга мўлжалланган ва муайян мавзули-манзаравий функцияларни бажарадиган боғлар тушунилади. Ҳовли боғларнинг замонавий типологиясини Г.В. Фирсова ва Н.В. Кушиновлар куйидаги гуруҳларга бўлади (Горнизененко Т.С., 2005. 45-б).

1. Табиий манзаравий боғлар, масалан бир хил оилага мансуб гуллардан тузилган боғлар, майсазор ясси боғлар, сув ва суюқликни севувчи ўсимликлар, мохлар, узлуксиз гуллайдиган боғлар;

2. “Қуруқ боғлар”, қум, шағал, табиий тошлардан ташкил топган ва тупроқ намсизлигига вақтинча чидамли бўлган ўсимликлар, масалан, седумлар, молочалар, толстянкалар, кактус кабилар экиладиган ҳовли боғлар;

3. Ҳайкаллардан тузилган ҳовли боғлар;

4. Тошлоқ боғлар (рокарийлар, альпинарийлар, тошлоқ қирлар);

5. Томлар устига ишланган ҳовли боғлар;

6. Полиз боғлар.

Энди ушбу боғларга алохида тўхтаб ўтамиз.


Тошлоқ боғлар- боғ манзарасида табиий тошлар ва улардан тузилган турли хил композициялар етакчи ўринни эгаллайдиган дам олишга мўлжалланган ҳовли боғлардир.

Ҳозирги даврда тошлоқ боғлар бутун дунёда маълум ва машҳур бўлганидан уларнинг турли хил ва кўринишлари шаклланиб бормоқда. Улар қаторида асосан Алп тоғларининг ўсимликлари экиладиган “Алпийская лужайка”лар, поғонали, таянч деворли участкаларга ишланадиган тошлоқ бадий боғлар- ”Архитектуравий рокарий”лар, тоғ воҳаси манзарасини эслатадиган “Тоғ воҳаси” боғлари, “Тоғ ирмоғи” боғи, “Тоғ қири” боғи, “Тошлоқ гряда”лар, “Тошлоқ хона боғи”, “Манзарали рокарий”лар, “Тошлоқ Миксбордерлар”, “Ҳовли рокарий”лар, “Қоя боғлар” ва бошқа янги хилдаги тошлоқ боғлар вужудга келмоқда (Бурлуцкая Л.В., 2005. 34-б).


Тошлоқ боғлар катта жамоат биноларининг ички ҳовлиларида, дам олиш масканларининг ҳовлилари, парклар, боғларнинг алоҳида участкаларида қўлланиб келмоқда.

Партерли боғ- текис майсали майдонлар, ясси сатҳли гулзорлар ва сув ҳавзалари етакчи ўринни эгаллаган мунтазам режали боғ. Текис майсалар, сатҳи текис гулзорлар ва ҳовузлар етакчи ўринга эга бўлган мунтазам режавий композицияли боғ. Боғда қўлланилган дарахтлар ва буталар, одатда, боғ партерлари атрофи ва гулзорлар четларига экилиб, уларга кузаш услубида куб, шар, конус каби мунтазам сунъий геометрик шакллар берилади (Генрих Бельц, 2008) (1-2 расмлар).

Партер боғларнинг ўзига хос кўринишларидан бири, бу партер боғ-лабиринт бўлиб, у Франция ва Италиянинг XVI аср боғларини эслатади. Партер боғ ғаройиб шаклга эга гулзор клумбалар ва ер сатҳидан бир оз кўтарилган ажойиб нақшлари ва манзаравий элементларининг кўплиги билан ажралиб туради. Партер боғлар, одатда, боғнинг иккинчи қават деразасидан, балкон ёки эркердан туриб боғни томоша қилишга, ундан завқланишга мўлжалланган.



1-расм. Ганберайл вилласининг партерли боғи



2-расм. Ланте вилласининг геометрик гулзорлари ва сув партерлари

Боғ-лабиринтлар айрим ҳолларда қирқилган шамшод (самшид)дан ишланиб, бўш қолган текис жойлар кўп йиллик рангдор ўтли майсалар ёки тарихий нуқтаи назардан яна ҳам тўғрироғи тўкилган рангли қум, ушатишган майда ғишт бўлаклари ёки шағал билан тўлдирилади (Гарнизоненко Т.С., 2005. 56 - б).

Сув боғи- сув ҳавзалари (кўл ва ҳовузлар)га тўғри танланган ва экилган сув ўсимликларидан иборат боғ бўлиб, у одатда рельефнинг пастқам, сояли ва сернамли жойларига ишланади. Бундай боғларни ташкиллаштиришда сув ҳавзасининг гидроизоляцияси ўта сифатли даражада ишланган, сувда ўсувчи ўсимликлар турлари тўғри танланган, сувнинг мунтазам алмашиб туриши таъминланган, сув юзини сунъий ёруғлантириш масалалари ҳал қилинган бўлиши шарт. Бундай сув ҳавзасининг жуда чуқур бўлмаслиги катта аҳамиятга эга (Гарнизоненко Т.С., 2005. 57 - б).

Қўриқ боғ (сад-заповедник)- бундай боғда табиатан эркин ўсган ўсимликлар композицияси етакчи аҳамиятга эга бўлиб, ландшафт архитектурасининг аралашуви деярли сезилмаслиги зарур, асосан табиий

ландшафт элементлари муҳим аҳамиятга эга. Англияда бундай боғлар “сад-святилище” (“муқаддас боғ”), “сад убежище” (“қўриқ боғи”) каби номлар билан мавжуд.


Мохлар боғи- япон ҳовли боғларининг бири бўлиб, боғ манзараси тўлиқ мохлар ва тошларнинг турли-туман хиллари билан шаклантирилган. Боғда ёрқин ранглар йўқ, асосан намлик даражасига қараб ўзгариб турувчи яшил, тилло, кўкимтир ранглар мавжуд. Ўсимликлар тупрокни гўё гилам тарзида ёпиши керак. Яшил моғор учун юпқагина ер қатлами етарлидир. Шағал ёки тош тўшалган йўлаклар устидаги юпка ерда ҳосил бўлган яшил моғорлар кўриниши кишини қувонтиради. Бундай боғларни иссиқ иқлимли ва намсиз ўлкаларда яратиш мушкул иш (Крижановская Н.Я., 2005, 76-б).

Том боғлари - кўпгина Европа мамлакатлари, жумладан Америка ва Японияда йирик жамоат бинолари ва айрим тураржой бинолари томларида боғ лойиҳаловчи ва бунёд этувчи архитекторлар вазифасига кириб бормоқда. Бундай боғлар нафақат манзаравий завқланиш учун, балки рекреацион, яъни дам олиш мақсадида ҳам ташкиллаштирилмоқда. Улар ҳавони чанглардан, зарарли газлардан, қуёш нурларидан, том устини эса қуёш нуридан сақлаб, юқори қаватларда ҳаво ҳароратини сусайтиришга ҳам ёрдам беради. Томлар устида боғлар ташкил қилишда чидамли ва мустаҳкам бўлган гидро ва термохимояланишни таъминлаш зарур.

Том устидаги боғни ташкиллаштириш ва кўкаламзорлаштиришда гидрохимоя, шағал ёки бошқа минерал материал, филтрловчи қатлам, субстрактлардан фойдаланилади. Томда ўсимликларни ҳимоялаш учун боғ атрофидан енгил девор ишланади. Ўсимликларни ўстириш учун эса субстрат тарзида “гидропоник” услубини қўллаш мумкин (Гольвисцер., 1972. 53 - б).].

Том боғларини бадийлаштириш мақсадида чуқур бўлмаган декоратив бассейнлар, атрофга сув сачратувчи ҳовли фавворалар қўлланилиши мумкин. Том боғларини кўкаламзорлаштиришда майсалар,

ер ёпувчи ўсимликлардан ишланган гулзорлар ҳамда тик кўкаламзорлаштиришда қўллунувчи айрим ўсимликлар ва ҳовли дарахт турларидан фойдаланиш



3-расм. Тошлоқ боғлардаги алпинария ва рокариялар


мумкин. Энг осон йўли том устига контейнерларга ўрнатилган турли эгзотик ўсимликларни ўрнатишдир.

Кайфият боғлари - Хитой ҳовли боғларининг бир тури бўлиб, унда киши сайр қилса қалби очилади, яйрайди, фикрлаш ва ўйлаш учун куч тўплайди. Бундай боғлар Хитойда “адабиёт боғлари” деб ҳам аталади, чунки унда киши ёлғиз қолиб, ўйга чўмиб нималарнидир ҳаёл қилади, уларни ёзади, кайфияти кўтарилади (Крижановская Н.Я., 2005, 60-б).

Узлуксиз гулловчи боғ - бунинг учун алоҳида жой ажратилиб, унда гул навлари шундай танланади ва экиладики, токи улар йил давомида,

яъни эрта баҳордан то кеч кузгача бирин-кетин навбат билан гуллаб турсин. Бунинг учун бир йиллик ва кўп йиллик ўтли ўсимликлар, буталар ва дарахтлар танланади. Кузда гулловчи ўсимликларни, одатда, бир-бирига тиғис гуруҳ композициясида экиладики, уларнинг ранли, одатда оқ, оқиш-кўкимтир ёки лимон рангига кириб сезилиб турсин.

Полиз боғлар - қишлоқ боғлари ёки “кантри” стилидаги боғларнинг бир тури бўлиб, одатда, мунтазам режада тўғри геометрик шаклдаги грядка-клумбалар билан лойихаланади. Полиз боғининг асосий вазифаси фойдали моддий мақсадга қаратилгани учун ундаги ўсимликларга ишлов бериш, бегона ўтларни йўқотиш, ўзгартириб туриш, ҳосилини йиғиб олиш учун имконият яратиш керак. Шу сабабдан боғ клумбаларининг эни бир метрга яқин бўлиши зарур. Клумбаларнинг чегараларига қузалган пастқам буталар, масалан бордюрбоп ўсимликлардан ҳошия ишлангани маъқул. Қуйидаги расмларда А.Курӯсь ишлаган ҳовли полиз-боғларнинг ўзига хос лойиҳалари келтирилган (4- расм).



2-расм. Полиз боғларининг турли кўринишлари


Уларда клумбалар ер сатҳидан кескин кўтарилган бўлгани учун уларга яқин келиб ишлов бериш ва уларга қарашда ҳатто болалар ҳам қатнашиши мумкин. Бундай клумбаларнинг баландлиги бир метргача бўлиб, эни 120 см.ни ташкил қилади. Улардаги тупроқ тўкилиб кетмаслиги

учун клумба деворларини антисептик тахталар билан маҳкамлаб чиқилади. Бундай клумбаларнинг паст қисмига ёқоч қолдиқлари, дернина, чириган барглар, солома, компост ва энг устки қисмига маданиятлашган тупроқ катлами ётқизилади (Гарнизоненко Т.С., 2005. 52 - б).

Полиз боғга экиладиган ўсимликлар тури фақат полиз ва кўкат экинлар (масалан, салатга мос кўкатлар, карам, укроплар) билан чеклиниб қолмасдан манзаравий ўсимликлардан мавритан мальваси, цинния изяшная, космос дваждыперистый, бархатцы прямостоячиеларнинг ҳам экилиши яхши натижалар беради.

Манзаравий ковоклар, қизил, сарик, зарғалдоқ рангли томат ўсимликлар, булғори қалампири каби ўсимликлар ҳам полиз боғда экилиши мумкин.

Полиз боғнинг модуллашган кўриниши ҳам мавжудки, бунда барча клумба ва қаторлар мунтазам геометрик шаклларда тартиб билан “чорбоғ” услубида ҳовли кўринишда ишланади. Грядкалар оралиқлари тўшамали ёки шағалли йўлаклар билан ажратилади. Ана шундай ажойиб полиз-боғнинг ўзига хос кўриниши Францияда Вилланди мавзесида ишланган бўлиб (5-расм), унда ҳар йили сентябрь ойида “полиз куни” номли шоу ўтказилиб турилади. Ушбу шоуда 250 минг гача турли хил қишлоқ хўжалик экинлари экилади (Крижановская Н.Я., 2005, 43-б).



5-расм. Вилландридаги полиз боғларининг марказий қисми (Франция)

Хуллас, полиз боғ бу фойдали, яъни хосилли боғнинг дам олиш боғи билан синтезлашган кўринишидир. Унда гул-чаманлар, партерлар ўрнини полиз экинлари экилган грядкалар, клумбалар эгаллайди. Бироқ, бундай боғда сайр қилиб дам олиш, ўтириб суҳбатлашиш, табиатни томоша қилиш учун ҳам етарлича шароит яратилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай боғни биз қишлоқлардаги ҳовлили уйларда, жамоат биноларининг ҳовлиларида қўллаш учун тавсия қиламиз. Бундай боғ бизнинг ўзбекона Шарқ удумларимизга тамоман мос келади деб ўйлайман.

Хайкаллар боғи - бундай боғда гулзорлар, дарахтлар, буталар гуруҳлари ёки партерлардан кўра кўпроқ эътиборни хайкалларга берилади. Айрим ҳолларда ўсимликлар хайкаллар учун фон вазифасини бажаради холос. Масалан, Парижда Сена дарёси соҳилларида ишланган “Хайкаллар боғи” ёки Стокгольмдаги “замонавий хайкаллар боғи”да ана шундай манзараларни кўриш мумкин.

Хайкал боғларни лойихалашдаги энг қийин муаммо бу кўриниш нуқталарини танлашдир. Италиядаги Бомарцо мавзеида ишланган хайкаллар боғида “монстрлар боғи” деб номланган хайкаллар қўйилган. Ушбу боғ аслида одатий манзарали яшил боғ бўлиб, унда табиат билан уйғун ва мутаносиб тарзда кўп сонли турли хил хайкаллар жойлаштирилган.

Бино ва иншоотлар интерьерларида шакллантириладиган сунъий ҳовли боғлар кўлами ҳам кейинги ўттиз йил ичида анча кенгайтирилди. 1967 йили архитекторлар К.Роч ва Д.Динкелу АҚШдаги Форд фондининг йирик идораси биносининг ичида улкан қишки боғ ташкил этади. Боғда эгзотик ўсимликлар вужудга келтирилди. Нью-Йорк халқаро молия макрази биносида унча катта бўлмаган шинам ва тинч яшил дам олиш жойлари ташкил этилади. Интерьерлардаги боғларга Ж.Портманнинг бу соҳадаги ҳаракатлари янгича мазмун бахшида этган. У 1973 йили Сан-Францискодаги Хъятт меҳмонхонаси вестибюлида манзаравий ички яшил

муҳит вужудга келтириб, унда турли дарахтлар, майсазорлар, фавворалар, чирмовик ўсимликлардан ажойиб манзара яшашга муваффақ бўлган. Интерерлар муҳитига бундай ёндашув пировардида ўзининг ҳаётийлигини кўрсатди. 1970-80-йиллар архитектурасида бинолар вестибюлларига кенг ва табиий (хатто сунъий) ҳовли яшил боғлар ёрдамида чирой бериш услуги кенг тарқалган анъанага айлана бошлади. Собиқ Иттифокда ана шундай вестибюл илк бор Москвада 1980 (Ожегов С.С., Уралов А.С. 2003).

Кўп қаватли бинолар ичида ҳовли яшил ландшафт муҳитини ташкил қилишнинг ўзига хос услуги 1976 йили Душунбе шаҳрида Тожикистонда ишлаб чиқилди. 100 хонадонлик 11 қаватли турар жой биносида темир бетондан ичига унумли тупроқ тўлдирилган махсус устун ишланиб, унга кўп йиллик дарахтлар ва буталар экиш тавсия қилинди. Тупроқли устун ўлчамлари 3x12 метр ва у бино ичида жойлашган. Барча хонадонлар ушбу устун атрофига ўзларининг ҳовли ҳовлилари билан бириккан. Яшил ҳовлили икки қаватли уйга “Осма боғ” деб ном берилди.

Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида Ҳиндистон фирмалари ва Ўзбекистон ҳамкорлигида қурилган меҳмонхоналар вестибюллари ва ички ҳовлиларига табиий ландшафт элементлари: интерьерлар муҳитига мос ғаройиб ўсимликлар, очик ҳовузлар, ўзбекона ва японча боғ элементлари ва ҳовли фавворалар қурилган.


Ҳозир АҚШда ва Ғарбий Европа мамлакатларида қуриладиган деярли барча жамоат биноларининг вестибюллари ҳовли боғсиз тасаввур этиш қийин, ҳеч бўлмаса улар кичикроқ боққа эга. Чикагода қурилган янги идора биносининг вестибюл боғи унда гранит постаментларга қўйилган иккита ғаройиб ҳовли дарахтлар ва улар атрофидаги ёруғ муҳит тарзида шакллантирилган. Нью-Йоркдаги Манхеттен марказининг осмонўпар бинолари вестибюлларида қатор янги боғлар вужудга келтирилган. Бамбук боғлари, пальма боғлари, гуллар

боғи, тошлоқ боғлар, чирмовик ўсимликлар боғи... Бир-биридан чиройли бу боғлар бирин-кетин жойлашган бўлиб, уларда ўтириб дам олиш, тамадди қилиш, қоғоз стаканчаларда ширин қахва ичиш, Нью-Йорк кўчаларининг нам ва иссиқ ёзги об-ҳавосидан сўнг бу боғлар шаббадасида бир зум тўхтаб ҳузур олиш мумкин. АҚШдаги энг улкан ҳовли боғни Нью-Йоркдаги халқаро молия марказининг ойнаванд қурилмали вестибюлида архитектор Цезар Пелли ишлаган. Унда гранит полнинг квадрат кесмаларига жойлаштирилган баланд пальмалардан яхлит бир ҳовли ўрмонча ташкил этилган. Ўрмон усти эса ойнаванд тарзда ишланган (Ожегов С.С., Уралов А.С. 2003, 138-б).

Эрон замонавий боғлари бу ўлкада тарихий шаклланган боғлардан фарқ қилиб, ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Хушманзара воҳа, дарёлар ва қирликлар, тоғларда яратилган табиий боғлар, кўриқхоналар, миллий парклар, болалар боғлари, сув бўйларидаги боғлар, гул боғлари ва, ниҳоят, шаҳарларда замонавий тураржойлар таркибидаги ҳовли боғлари (чорбоғлар) ана шундай хилма-хилликни ташкил қилади. Шулар орасидан “чорбоғ” ёки “чоҳарбоғ”лар, миллий парклар ва гуллар боғи Эронда кенг тарқалган (Уралов А.С. 2011, 134-б).

Ҳозирги қурилаётган ҳовлили замонавий тураржойлар таркибидаги боғлар Эроннинг анъанавий ҳовли чорбоғларига кўп жиҳатдан ўхшайди, яъни улар мунтазам режали, тўрт қисмли ҳовли ҳовли боғлари бўлиб, атрофи ички йўлак ва деворлар билан айлантирилган, боғда ўзига хос манзаравий яшил муҳит ҳосил қилган. Аксарият ҳовли чорбоғлари хусусий қурилган мунтазам режали суғориш тизими билан таъминланганки, улардаги ҳовли ариқ ва канналардан оққан сув товуши дилни яйратади. Ёз пайтлари ҳовли боғларда ўтириб меҳмон қабул қилинади. Атроф гулзор, тувакларда хушбўй ва ёрқин гуллар ўстирилади. Дарахт ва буталардан, деворлар ва уйдан тушган соялар, фаввора ва ариқдаги сувлар ҳовли иқлимини салқин қилади, гўёки унга “биҳишт” яъни жаннат боғи рамзини беради. Айрим замонавий ҳовли боғлари сатҳига текис майса экилиб,

ўртадаги фаввора ва тўрдаги кўшкдан ташқари кечкурун ёритадиган тош чироқлар ҳайкаллар ва ўриндиқлар ҳам киритилган (6-7-расмлар).



6-расм. Эрондаги замонавий ҳовли боғ



7-расм. Ҳовли боғдаги фаввора

Юқорида эслатганимиздек, Эронда эркин табиат бағрида, хушманзараларга бой дарё ва кўллар, қирликлар, баланд тоғ ва қоялар кўйнида, Эронга хос миллий флора ва фауна генафондини ташкил қилувчи гўзал табиатли яшил воҳа ва водийларда катор кўрикхоналар ва улар асосида миллий парклар яратишнинг бой тажрибалари орттирилган (Уралов А.С. 2011, 135-б).

Кирмон вилоятида жойлашган ва резервацияланган Ручун ёввойи табиатини ўз таркибига олган Хабр миллий парки ва табиат кўрикхонаси, Дергез округи (Шимолий Хуросон) даги Тандура табиат комплекси: миллий парк ва кўрикхона, Шимолий Техронга яқин жойлашган Точал тоғ чўққиси ва Жамшидия табиат парки, Исфакхон вилоятидаги Нажвон миллик парки ва ундаги “Қушлар ороли боғи”, Фарс вилоятидаги Бахтеган кўли кўрикхонаси ва парки, Баму миллий боғи, Урмия кўлида ташкил қилинган миллий парклар, Кошон шаҳри атрофидаги атиргуллар боғи ва бошқалар Эроннинг очик муҳитда ёввойи табиат кўйнида яратилган замонавий миллий боғ-парклари тизимини такшил қилади (Кларк Э., 2008, 97-б)

Табиийки, бу боғ-парклар табиий ландшафтли катта ҳудудларни ўз ичига олган ва шу боисдан ҳам шаҳарлар ташқарисида жойлашган. Шаҳарлар билан қулай боғланган бу парклар шаҳарликлар ва хорижий сайёҳлар учун ҳам доим очик, гўзал табиат қўйнидаги дам олиш ва истироҳат боғларига айлантирилган. Уларда дам олиш уйлари, курортлар, санаториялар, спорт боғлари, ҳайвонот боғлари, гидропарклар, болалар лагерлари, илмий-тадқиқот масканлари ташкил қилинган.

Эрон шаҳарларида Собик Совет Иттифоқида хос кенг халқ оммасига мўлжалланган кўп функцияли маданият ва истироҳат боғлари йўқ. Бироқ, уларнинг ўрнини эркин табиат кучоғида улкан ҳудуда жойлашган ўша миллий парклар бажаради. Масалан, Исфогон шаҳридан оқиб ўтадиган Заяндеруд дарёси соҳиллари бўйлаб жойлашган. Нажван табиат паркани олиб кўрайлик. Бу парк исфогон шаҳри ҳавосини соғломлаштиришга хизмат қилишдан ташқари шаҳар халқининг эркин табиатда дам оладиган истироҳат боғи ҳам ҳисобланади. Боғда кўплаб спорт ва болалар ўйин майдонлари, чўмилиш ва сузиш сув ҳавзалари, кемпинглар ва овқатланиш жойлари, қушлар боғи мавжуд, кабриолетлар ва отларда сайр қилиш, қайиқлар ва велосипедларда ҳордиқ чиқариш мумкин.

Бир сўз билан айтганда паркда соғлом ва фаол дам олиш, спорт турлари билан шуғулланиш, эркин томшалар қилиш имкониятлари мавжуд.

Фақат қушлар боғининг ўзи 55 минг кв.м.ни ташкил қилиб, унда 5 мингдан зиёд турли қушлар макон қилган. Боғдаги тўртта катта ва кичик сув ҳавзаларида ўрдак, ғоз, турна, фламинго ва бошқа кўплаб сувда сузувчи қушлар яшайди. Боғнинг шарқий қисмидаги “Саҳре боғ”да эса тоғ ва саҳро қушлари жойлашган. Заяндеруд дарёсидаги улкан орол ҳам “Қушлар боғи” га айлантирилиб, парк билан ёғоч кўприк боғланган (Домидонтова В.В., 1985, 68-б.).

2.2. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг ўсимлик дунёсини ташкил қилиш тажрибалари

Чорбоғдаги энг муҳим масалалардан бири унга экилган экинлар ва дарахтлар тури ва уларни экишда қўлланган ландшафт композицияларидир. Бу масалада аввало шуни таъкидламоқчиманки, Ўрта Осиё меъморий боғларида мевали ва манзарали дарахтлар биргаликда экилган. Чорбоғдаги мевали дарахтлар турига XVI аср бошида Ҳиротда ёзилган ”Ирошодуз зироат фи илмил ҳаросат” асарида келтирилган маълумотларга кўра ўрик (зардолу), бодомнинг бир неча хиллари, шафтоли, анорнинг беш хили, беҳи, олча, гилос, нок, анжирнинг бир неча хиллари, жийда, тут ва писталар кирган ҳамда алоҳида узумзорлар ташкил қилинган. Шарофиддин Али Яздий Темурнинг Самарқанд атрофидаги Дилкушо боғида турли-туман мевали дарахтлардан ташқари боғда ўстирилган айрим узум навларини ҳам санаб ўтади. Улар ичида шакар ангур, со-ҳиби, ҳусайни, лали як дона кабилар келтирилган.

Боғларда мевали дарахтлар ва тоқлардан ташқари соя-салқин берувчи, ўзидан ҳушбўй ҳид тарқатувчи манзарали дарахтлар: тол (табар хун), мирза терак (Сафидори Самарқандий), чинор, сарв ва аръар (қора арча) каби дарахтлар ўрин олган. Мажнунтоллар, сарв ва аръарлар боғлардаги ҳовузлар атрофида экилган.

Боғларда мевали ва манзарали дарахтлардан ташқари ҳар хил гуллар ва кўкатларга ҳам алоҳида жой ажратилган. Та-рихий китоблар (Ниёзий, Бобур, Хондамир, Шарафиддин Али Яздийларнинг асарлари) да уларнинг қуйидаги турлари қайд қилинган: ҳамиша баҳор, савсани расмий, ханжарий, кўк бинафша, садбар, заъфарон, нарғиз, боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гўш, дардари кокилий, оддий савсан, саҳройи савсаннинг бир неча турлари, оддий шақойиқ, шаббўй, сариқ лола, настарин, бағдодий, қазғо, гули раъно, кўкнор гул, сариқ ёсумон, гули шаш моҳа, нилуфар, каранфулгул, савсани ҳатмий, шаб ва дўстон, чаман афруз ва гултожихўроз

кабилар маълум. Бу гуллар шундай тартибда экилганки, бири очилиб тугаса, иккинчиси гуллай бошлаган (Алимов Ў., 1984, 108-б.). Бу анъаналар чорбоғ услубидаги боғлар ечимида муҳим меъморий-режавий ва ландшафт тартиботи тарзида кўп асрлар давомида қўлланиб келинган.

Чорбоғлардаги хиёбонлар бош йўл ва сайргоҳ йўлакларнинг икки тарафига куёш йўналишига қараб соябон дарахтлар ва мавсумий гуллар экиш орқали ташкил қилинган. Хиёбонлар дарахт ва ўсимликларнинг экилиш тартибига қараб очик ёки ёпиқ кўринишларда бўлган. Очик хиёбонларда дарахт шохлари бир-бирига қўшилиб кетмаган. Ёпиқ хиёбонларда эса, аксинча, дарахтлар ўсиб йўлак устини юқоридан ёпиб қўйган. Натижада бундай хиёбонлар серсоя ва салқин бўлган, йўлак четига қўйилган ўриндикларда ўтириб, ҳордиқ чиқариб дам олинган. Бош хиёбонлар, ҳовузлар бўйларидаги супалар ва айвонлар атрофлари, чорбоғ деворлари қошига манзарали дарахтлар, сайргоҳ йўлакчалар ва чорчаманларга мевали дарахтлар экилган.

Меъморий боғлар ичида икки хил манзарали муҳит: серсоя ёпиқ ва соясиз очик яшил муҳитни кузатиш мумкин. Ёпиқ яшил манзарага, одатда, серсоя хиёбонлар, дарахтзор йўлаклар кирса, очик муҳитга майсазор, бедазорлар, гулзорлар ва чаманзорлар кирган. Ҳар иккала муҳитнинг майдони нисбат жиҳатидан бир-бирига тахминан тенг бўлган (Адилова Л. А., 2000, 40-б.). Ёпиқ ва очик муҳитда яшил майдонлар бир-биридан ландшафт, ҳавосининг мусаффолиги, намлиги ва ҳароратига қараб фарқ қилган, ёпиқ яшил муҳитда ҳаво иссиқлиги сезиларли равишда паст, нисбатан нам, очик яшил муҳитда эса аксинча. Ҳар иккала муҳит микроклими орасидаги ушбу фарқ туфайли боғда ёзнинг жазирама иссиқ кунлари ҳам енгил шабада тўлқини сезилиб турган. Ушбу самара чорбоғ услубидаги Ўрта Осиё боғларига хос бўлиб, серсоя сув ҳавзалари атрофидаги чорпояларда янада сезиларли ва завқли бўлган. Х.Пўлатовнинг “Чорбоғ” мақоласида (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 9-жилд) экинларни экиш хусусида қуйидагилар ёзилган: “Баланд бўйли дарахтлар

боғ деворига яқин экилади, ундан сўнг меваги дарахтлар ва гуллар тартиб билан экилади, уларнинг эрта баҳордан кеч кузгача очилиб туришига эътибор берилади”.

Мавританиялик муаллиф Ибн ал-Аввам XII асрда боғлар ландшафти ҳақида рисола ёзиб, унда қуйидагиларни таклиф қилган: “катта гулзор (клумба)лар манзарасини жозибалаштириш ва бўрттириш учун уларнинг бурчакларига биттадан кипарис экиш, шунингдек, боғнинг бош хиёбони бўйлаб ҳам қаторлаб кипарислар экиш; қаторлаб экишда кипарисдан ташқари қайрағоч ва арчалардан ҳамда цитрус ва хушбўй хидли лавр дарахтларидан фойдаланиш зарур. Ҳовуз ва ҳавзалар юзасини соя билан ёпиш учун, уларнинг атрофига барглари тушмайдиган апельсинсимон қайрағоч, тол ва мажнунтол каби дарахтлар экиш; жонли яшил тўсиқ (панжара)ларни шакллантириш учун эса шамшод ва лавр ҳамда чирмашувчи ва тирмашувчи ўсимликларни, токзорларни қўллаш ҳам фойдалидир” (Кларк Э., 2008). Деярли минг йил аввал айтилган ушбу таклифлар боғ дизайни мавзуси учун бугун ҳам қанчалик долзарб ва фойдали эканлигига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Бобурийлар бунёд этган боғларда Жаҳонгиржох биринчи бўлиб “Чорчинор” услубини қўллаган. Бу услубга кўра, квадрат ер сатҳининг тўрт чеккасига тўртта чинор дарахти симметрик тарзда экилган. Бунинг натижасида чорчинорлар эгаллаган боғ майдони кун бўйи соя-салқинда бўлган.

Чинорга алтернатив тарзда кенг ва тифиз соя берувчи заранг, қайрағоч, каштан ва япон сафораси каби дарахтларни кўр-сатишимиз мумкин. Ҳозирги истироҳат боғларимизда чинор ўрнига каштан дарахти кенг қўлланилмоқда. Чунки у нафақат қуюқ соя беради, балки чиройли гуллайди ҳам. Шарқ боғларининг гўзали ҳисобланган кипарис, яъни сарв дарахтини эса ўзгартиришга ҳожат йўқ. У хушқомат, доим яшил, нина баргли устунсимон дарахт. Унинг кўкимтир турлари ҳам мавжуд. Бироқ, соя ҳосил қилишда чинордан, гледичия ва маклюралардан ўтадигани йўқ.

Шарқона кипарисга Ир-ландиянинг тис дарахти ҳам ўхшаб кетади. Боғларда уни қўллаш ҳам яхши самара бериши мумкин. Жуда баланд, доим яшил, хушқомат кедр ҳам устунсимон шаклли игна баргли дарахтдир. Баланд кипарис ва кедр дарахтларидан хиёбон-лар шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Шарқона боғларда кипарис ёнига меваги дарахтлар экиш одатийдир. Бундай ҳолат Шарқ миниатюраларида ҳам ўз аксини топган.

Кипарис ва унинг ёнига экилган гуллик, меваги дарахт ҳаёт умрбоқийлиги ва ўткинчилигига, табиатнинг эркаклик ва аёллик рамзларига ҳам ишорадир. Эҳтимол шу сабабдан ҳам Ўрта Осиё, Шимолий Ҳиндистон ва Покистон боғларида кипарис ва меваги дарахтлар (олма, нок, олхўри, ўриклар) бирга экилган. Бу дарахтлар кўзни қамаштирувчи мевагидан ташқари давомий иссиқ ёз кунларида салқин соя ҳосил қилишга ҳам қодирдирлар. Ислом боғларида кипарисларни жуфт ҳолда экиш ҳам одатийдир. Айтишларича, улар Лайли ва Мажнун севгиларининг рамзларини берар экан.

Ислом боғларида ўсимликларни кузаб, уларга турли хил нақш кўри-нишларини, масалан, гирих, ислимий нақшлар бериш, яшил деворлар, дарвозалар, тоқлар, бордюрлар шаклларини яшаш мумкин.

Ислом мамлакатлари тарихий боғларига кенг майсазорлар хос эмас. Бунинг асосий сабаби иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида майсазорларни ўстиришнинг қийинчилигидадир. Бироқ, ҳозирги вақтда бунга имкон берувчи замонавий техник қурилмалар мавжудки, улар ёрдамида серкуёш ўлкаларда ҳам майсазорларни ҳеч қийинчиликсиз ўстириш мумкин. Агар биз Қуръони Каримда кўп марталаб эслатилган жаннат боғларининг илоҳий яшил ва Ислом байроғининг ҳам шу рангда эканлигини эсласак, замонавий чорбоғларда ям-яшил майсазорларнинг бўлишлигига эътирозимиз йўқ. Буни айниқса, Тошкентнинг Мустақиллик майдонидаги майсазорлар исботлаб турибди.

Маълумки, Амир Темур ва Темурийларнинг Самарқанд боғларида узумзорлар ва анжирзорлар ҳам бўлган. Самарқанднинг Боғи Баланд

боғига қарашли анжирзорларнинг бир қисми ҳозиргача сақланиб қолгани бунинг исботидир. Хўш, агар биз Темурийлар даври Чорбоғларини тикласак, уларга хос ўша узумзор ва анжирзорларни ҳам тиклаймизми? Албатта, тикланаётган анъанавий Чорбоғ аслига ўхшаши ва уни бизга эслатиши шарт. Фақат токзорлар танасини ер бағирлатиб эмас, балки анъанавий соябон услубида, яъни баланд, ингичка устунларга ўрнатилган ясси решеткалар устига чиқариш мақсадга мувофиқки, соябонлар остида ўтирган ёки юрган киши осилиб турган узумларни бемалол кўрсин ва узиб истеъмол қилиш имконияти бўлсин. Токларни кўтариб қўйишнинг бу каби тажрибалари Ўрта Осиёда ҳозиргача сақланиб қолган. Бир вақтнинг ўзида тартибли яшил токзор ва соябонга эга бўлиш, токзорлар остидан унумли фойдаланиш, унда ўтириб дам олиш, ғарқ пишган узумларни томоша қилиш, бу услубнинг самарали хусусиятларидандир.

Шундай қилиб, тарихий чорбоғларда қўлланилган манзаравий ландшафт композицияларга чорбоғ ҳандасавий ландшафт тизими, чорчаман, чаман, чорчинор, мевали ва манзарали дарахтларни аралаш экиш, қаторлаб экиш, якка ҳолда экиш, ҳиёбон ва чорбоғ-ҳиёбонлар кирган.

Архитектура номзоди Л.А.Адилова ўзининг “Принципы формирования ландшафтов городов, расположенных в сухом жарком климате Узбекистана” номли диссертациясида (1984 й.) суғориш каналлари ва ариқлар тизими атрофидаги ландшафтларни шакллантириш, яъни дарахтлар ва буталардан тузилган ландшафт композицияларини ташкиллаштиришнинг бир қатор усуллариини таклиф қилганки, келажакда улардан анъанавий Чорбоғ услубидаги боғлар ландшафтини шакллантиришда ҳам унумли фойдаланиш мумкин.

Ўтмишда меъморий боғлар дил очувчан ва эртакнома бўлишлиги учун улар-ни чиройли ҳайвонотлар билан безаганлар. Боғда сайр қилиб юрган оҳу ва товуслар, ҳовузларда сузиб юрган ўрдак ва ғозлар шулар жумласидандир. Товуслар боғлар безаги учун яратилган махсус қушлар

бўлиб, темурийлар яратган боғларда турли хил шундай қушлар бўлган. Клавихо ҳам Темурнинг Самарқанддаги Давлатобод боғида оху ва тус-товуқлар бўлганидан далолат беради (Клавихо, 1990, 107-б.). Боғлардаги хайвонат оламини кўпгина нафис суратлар (миниатюралар)да ҳам учратиш мумкин. Ҳирот боғларининг бирини махсус “Ҳовузи Моҳиён” – Балиқлар ҳовузи беаган (Бобоходжаев М.А., 1968, 92-б.). Бундай жонзотлар Шарқ боғлари ҳуснига ҳусн қўшган.

Кўча ва майдонларга фақат нина баргли дарахтларни экиб, ландшафт композиция-сини камбағаллаштириб қўйиш ҳам ярамайди. Улар орасига япалоқ баргли кўркам, шу билан бирга баргини бир текис ташлов-чи, майдонни ифлослантормайдиган манзарали дарахтлар (шумтол, оқ терак, мажнунтол, каштан, сафора, чинор, заранг ва шуларга ўхшаш) дарахтлар экилса, композицияга тароват бағишланади.

2.3. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг сув дунёси

Боғнинг боғ бўлиши, яшнаб гуркираши учун биринчи навбатда сув масаласи тўғри ҳал қилинган бўлиши лозим. Ўтмишда бунёд этилган боғлар дарёлардан қазилган каналлар, махсус резервуарлар, табиий булоқлар суви, кўллар, катта ариқлар суви билан суғорилган. Бобурнинг ёзишича, Кўҳак, яъни Зарафшон дарёсидан тортилган Дарғом каналидан Самарқанднинг жануби ва унинг атрофидаги туманлар ва боғлар сув ичган (Бобур М.З., 1989, 63-б.). Самарқанддан шимолда ва шарқда жойлашган боғлар эса (Боғи Баланд, Боғи Майдон, Боғи Нақшижаҳонлар) Обираҳмат ариғининг суви билан суғорилган. Ў.Алимов И.А.Суҳа-ревнинг тадқиқотлари ва бошқа ёзма манбаларга асосланиб, Самарқанднинг жанубий ва жанубий шарқий қисмларидаги боғлар Зарафшон дарёсидан қазиб чиқилган Аббос ва Қораунас каналлари ёрдамида суғо-рилган, деган фикрни билдиради (Алимов Ў., 1984, 102-б.). Каналлардан тортилган ариқлар нафақат боғларни, балки боғлардаги ҳовузларни ҳам сув билан

таъминлаган. Ариқларга узилиб тушган турли ранг-даги олмалар ариқлардан ҳовузларга оқиб, киши кўзини қувонтирган. Клавихонинг ёзишича, Амир Темурнинг Давлатобод боғида олти ҳовуз бўлиб, улар бир-бири билан икки четиға ҳар хил дарахтлар ўтказилган йўлаклар билан боғланган экан (Клавихо, 1990, 105-б.). Тарихчи И.А.Сухарев бу ҳовузлардан айримларининг ўлчамларини аниқлаган: улардан бири тўғри тўрт бурчак шаклида 28х62 м, бошқалари эса квадрат шаклида 25х25; 32х32 м бўлган (Сухарев И.А., 1940, 5-б.).

Боғи Нав саройи олдида катта ҳовуз жой-лашган бўлиб, саройнинг акси ҳовузга тушиб турган. Бундай ҳолат бошқа чорбоғларга ҳам хос хусусият саналиб, бу ҳовуз-ларнинг айримларида ўрдак ва ғозлар сузиб юрган.

Боғдаги ҳовузлардан ташқари боғ марказида, тагкурсида жойлашган кўшк-саройни чор тарафдан ўраб турган *хандақлар* бўлганлиги ҳам аниқланган. Бу хандақлар доимо ҳовузлар сингари сув билан лиммо-лим тўлиб турган. Уларнинг эни турли катталиқда, масалан, Амирзода Шохрух боғидаги хандақ эни 6 метр, Боғи Давлатобод хандақининг эни эса 20 метрдан зиёд бўлган (Алимов Ў., 1984, 104-б.).

Хандақлар устидан саройга ўтиш учун чиройли боғ кўприклари қурилган. Айрим боғлардаги ана шундай кўприк-лар кечалари кўтарилиб кўйилган. Хандақларнинг боғдаги тутган ўрни ҳам асосан ҳовузлар каби боғ ҳуснига ҳусн қўшиш, мос ва соз микроклим яратиш, уларда сарой ва дарахтларнинг акси тушиб туришидан, ўрдак ва ғозларнинг эркин сузиб юришидан иборат бўлган. Ў.Алимовнинг фикрича, бу хандақлар сарой мудрофаасига ҳам хизмат қилган (Алимов Ў., 1984, 104-б.).

Ариқлар, ҳовузлар, хандақлардан ташқари боғларни отма фавворалар ҳам беаган. Испан элчиси Клавихо бундай фаввораларни Самарқанддаги Боғи Дилкушода ва Шаҳрисабздаги Оқсарой мажмуасининг ҳовли боғида кўрганлиги ва улардан завқланганлигини ёзиб қолдирган. Бундай фаввора намуналарини биз “Бобурнома” асарига ишланган расмларда, Алишер

Навоий-нинг “Хамса”сига ва бошқа тарихий асарларга ишланган миниатюраларда ҳам кўрамиз. Фаввораларнинг шакли ва ўлчамлари турлича бўлган. Тарҳи квадрат, олти ва саккиз бурчак шаклида бўлган фавворалар кўп учрайди. Сув тизгини фаввора ҳовузининг ўртасидан баландга отилиб турган. Бунинг учун махсус муҳандислик қурилмаларидан фойдаланганлар. Фавворалар, одатда, кўшк ва саройлар олдида, ички ҳовлиларга, боғ йўлаклари кесишган жойларга қурилган бўлиб, боғ кўркига кўрк кўшган, сарой ва боғ микроиклимини яхшилашга ёрдам берган. Ўрта асрларда боғлардаги сув таъминоти ва қурилмаларининг меъморий-муҳандислик ечимлари тинмай такомиллаштирилиб борилган. Бобурийларнинг Шимолий Ҳиндистонда, арабларнинг Испанияда, форсийларнинг Эрон шаҳарларида бунёд этган боғларидаги мураккаб сув қурилмалари бунга мисолдир.

Маълумки, X-XIV асрларда араблар Испаниянинг Кордова, Гранада, Севилья шаҳарларида амирликка хос мустаҳкам истехком – қаср ва саройлар, уларнинг қошида эса гўзал боғ-роғлар бунёд этганлар. Бунинг учун эса Сьерра-Невада тоғ тизмаларидаги эриган қор сувларини улкан ер ости ҳовузларига йиғиб, улардан усти ёпиқ катта каналлар-“асеки” ва акведуклар тизими орқали пастга, боғ ва сарой ҳовлиларига қараб сув оқизилган, чунки Арабистондаги каби Испанияда ҳам сув ҳаёт манбаи ва соя-салқин асоси бўлиб хизмат қилган.

Гранада шаҳрининг Генералиф ва Альгамбра сарой-боғлари Испанияда ҳу-кмронлик қилган араб амирларининг ёзги резиденцияси (истиқомат ва дам олиш) масканлари ҳисобланган. Улар Гранадада XII асрдан бошлаб то XV асргача шакллантирилган. Альгамбра ва Генералиф қасрлари боғларининг сатҳи асосан 100-150 кв.м. дан ошмайдиган, бир нечта поғоналарда алоҳида жойлашган, бир-бирига зинапоялар ва сув каналлари орқали боғланган ҳовли боғ-ларидан иборат (Курбатов В.Я., 2007).

Генералиф ва Альгамбра саройларидаги аксари ички ҳовли боғлари шарко-на мумтоз “Чорбоғ” услубида, тўрт сим-метрик қисмларга бўлинган ҳолда шакллантирилиб, уларда асосий ўринни ҳов-ли марказида жойлашган ҳовуз (бассейн) ёки фаввора ва уларга тўрт томондан туташган тоза оқар сувга тўла ариқлар эгаллайди. Бунда сув марказий фавворадан ҳовли боғининг тўрт тарафидаги фавворачаларга ёки аксинча, боғнинг тўрт тарафида ёки бурчагида жойлашган ҳовли фавворачалардан марказий фавворага қараб оқиш ҳоллари учрайди. Альгамбранинг “Шерлар ҳовлиси”да айнан шундай, яъни ҳовли бурчакларидаги тўртта фавворачалардан марказга, “Шерлар фаввораси”га сув оқиб келади (Уралов А.С., Рахимов К.Ж., 2011).

Ҳовли боғлари тарҳда тўғри тўрт бурчак шаклларда бўлиб, уларнинг архитектураси ҳовлини ўраб турган биноларнинг деворлари, эшиклари, деразаларидаги нақшлар, кузалган ясси яшил бордюру ва изгородлар ва, энг асосийси, ғаройиб сув иншоотлари - фаввора ва ҳовузчалар шакллариининг ўзаро композициявий уйғунлиги, уларнинг “ин-сон масштаби”га мутаносиблигидадир (Курбатов В.Я., 2007).

Маълумки, Чорбоғнинг мумтоз тарҳий ечимида ҳам ўртада жойлашган катта ҳовуз ёки фавворадан тошиб тушган сув дунёнинг тўрт тарафига қараб йўналтирилган тўртта “жаннат ариқлари” бўйлаб оқади ва тўртта “жаннат боғи”ни ташкил қилади: “битта ариқдан сув оқса, иккинчисидан сут, учинчисидан асал, тўртинчисидан эса шароб оқ-қан” (Кларк Э., 2008, 12-б.). Қуръони Ка-римда тасвирланган бу боғ “жаннат ал-фирдаус”ни, чорбоғни, марказий ҳовуз ва ундан тўрт тарафга оққан ариқларни эслатади.

Сув ҳаёт манбаи ҳисобланган иссиқ Шарқ мамлакатлари боғларида сув юзасига соя туширишдан кўра унинг ўзини томоша қилиш афзал саналади. Шунинг учун ҳам сув ҳавзаларининг юзи кенгроқ, дарахтлар эса уларнинг соҳилларига эмас, балки четларига қаторлар экилган. Ҳавзаларни

сув билан таъминловчи ўқ ариқларни эса аксинча, тор, энсиз қилишга ҳаракат қилинган.

Уларнинг четларига қаторлаб сояпар дарахтлар экиш анъанавий бўлган. Шарқ боғбонлари ва муҳандислари сувни юқорига чиқариш, фаввора ва шаршаралар қуриш, сувни шовуллатиш, тизгинлаш, нақшинкор кўринишда пуфакчали оқизиш, ялтироқ сокин сув ойналарини ҳосил қилиш ва бошқа сув самарлари ва иншоотларининг устаси-фаранг бўлиб кетганлар. Оддий ҳовузлардан тортиб, улкан каналлар ёки сувга турлича жилолар берувчи “чадар”лар, сувни чуқур жарликлар ва қияликлардан олиб ўтувчи “акведук”лар бунга мисолдир. Бу со-ҳада, айниқса, арабларнинг жанубий Испанияда бунёд этган ғаройиб сув иншоотлари – “асеки”лар ва Бобурийларнинг Кашмир ва Лаҳорда бунёд этган кўп поғонали боғларидаги сув қурилмалари-”чадар”, “чини-хана” ва “чабутра”лар ҳақида тўхталиш му-ҳимдир. Бу қурилмалар нафақат самарали сув томошаларидан завқланиш, балки иссиқ иқлим шароитида қулай микроиқлим яратиш учун ҳам шакллантирилган.

“Чадар” табиий тош ёки мрамардан ишланиб, юзига геометрик ўйма нақшлар бажарилган қия, юзи текис ва кенг плита бўлиб, унинг сатҳидан сув юқоридаги поғонадан пастга, катта ҳовузга турлича жилоланиб, шилдираб оқиб тушади (Кларк Э., 2008, 109-б.). Бу жилоланишлар чадар сатҳининг қандай ўйиб ишланиши ва пластикасига боғлиқ бўлиб, қияликдан сачраб тушаётган сув гўёки шалолани эслатади ва ҳосил бўлган сувнинг оқ ёғдуси кишига завқ бағишлайди.

Кашмир ва Лаҳордаги поғонасимон чорбоғларда чардарлардан ташқари яна бир ўзига хос сув шалолалари ҳам мавжудки, улар **”чини-хана”** деб аталади. Чини-хана шалола орқасидаги тошларга ўйиб ишланган қатор тоқчалар кўринишида бўлиб, тунда бу тоқчаларга ёндирилган шам ёки мой чироқлар қўйиб чиқилган (Кларк Э., 2008, 109-110-б.). Тоқчалардаги алангалар олдидан оқаётган сув пардаси, яъни шалола тунда ўта

ғаройиб тус олган ва инсон қалбини завқу-шавққа тўлдирган. Кундуз кунлари эса бу тоқчаларга тувакларга солинган гуллар қўйилган.

Сув самаралари билан боғлиқ яна бир боғ қурилмаси “**чабутра**” деб аталиб, у ҳам Ҳиндистондаги Бобурийлар яратган боғларга мансубдир. Чабутра юзаси текис тош ёки мармар платформа, тўғрироғи ўзига хос тош супа ҳисобланиб, у суви оқиб турувчи текис ҳавзанинг ўртасига ёки четига, сув устига қурилган (Кларк Э., 2008, 110-б.). Чабутрада ўтирган султон ёки император ўзини сув ичида, унинг асири тарзида, гўё унинг тагидан сув оқаётгандек ёки сувда сузаётгандек сезган.

Чабутрада ўтириб завқланмоқчи бўлган султон аёнлари унга сув кечиб, оёқ яланг бўлиб ўтишган. Текис юзали сувда оёқ яланг юриш ҳам кишига завқ бағишлаган. Қуёш нурида парланган сув эса гўзал ва ёқимли микроклим яратган.

Шуни таъкидлаш керакки, чадар, чини-хана ва чабутралар фақат Бобурийлар яратган ислом боғларига хос сув дизайнларидир.

Кашмир ва Лаҳор боғларининг қияликда кўп поғонали тарзда ишланганлиги бундай сув қурилмаларини самарали қўллаш ва улардан фойдаланиш учун катта имконият яратган. Бундай қурилмалар Шимолий Ҳиндистонда яратилган поғонасимон чорбоғларнинг ўзига хос ғаройиботлари ва безаклари вазифаларини бажарган ҳам десам, ўйлайманки, хато қилмайман. Боғлардаги бундай қурилмаларни қуриш учун табиий материаллардан фойдаланилганки, улар сув дунёси ва боғ табиати билан ҳамоҳанг тарзда уйғунлашган. Табиий тошлар, мармарлар, пишиқ ғишт Шарқ боғларининг асо-сий материаллари ҳисобланган.

II-боб хулосаси

1. “Ҳовли боғи” атамаси шу чокқача илму-фанда ўзининг аниқ тушунчасига эга бўлмаган. Натижада уларни меъморий – ландшафт ташкиллаштириш ва лойихалаш тамойиллари ишлаб чиқилмаган ва

тартибга солинмаган эди. Мазкур диссертацияда биз ландшафт архитектурасининг ушбу муҳим тушунчасини илмий нуқтаи назардан аниқлаштириб бердикки, унинг параметрлари, турлари, меъморий-режавий ва ландшафт ташкиллаштириш тамойиллари ишлаб чиқилди.

2. Ҳовли боғи –бу майдони бир сотокдан то 25 соток (0.25 гектар)гача ҳудудга эга бўлган, муайян меъморий-ландшафт стилида ташкиллаштирилиб, асосан рекреация, яъни дам олиш, хордиқ чиқариш, томоша қилиш, ўйга чўмиш каби функцияларга мўлжалланган манзарали боғидир. Ҳовли боғлари икки хил режавий композицияда: тўғри чизикли мунтазам ёки эркин табиий кўринишдаги манзаравий ечимларда лойиҳаланиши мумкин.

3. Ҳовли боғларининг турли табиий иқлим шароитларида ва эстетик ғоялар асосида шаклланган тарихий ва замонавий турлари ҳамда уларнинг минтақавий турлари, яъни Шарқона ва Европача турлари мавжуд. Ҳовли боғларининг Шарқона турларига “адабиёт боғлари” (Хитой), “тошлоқ боғлар” ёки “қуруқ пейзажли боғлар” (Япония), “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғи, “Мушрабия” (Эрон ва Ўрта Осиё), “Сув боғи”, “Мох боғи”, “Чой боғи” (Япония), “Хотира ва қадрият боғлари” (Ўзбекистон) кирса, Европача турларига “Партер боғлар” (Италия, Франция), “Патио”лар (Испан-мавритания), “Қишки боғлар” (Англия), “Тошлоқ боғлар”, “Том усти боғлари”, “Полиз боғлар”, “Хайкал боғлари” (Франция, Италия, Америка) “Чинампас боғ” (Мексика)лар киради.

4. Ҳовли боғларининг ташқи очиқ муҳитларда ва ички ёпиқ муҳитларда ташкил этиладиган хиллари ҳам мавжуд.

Ички ёпиқ ёки ярим ёпиқ меъморий муҳитларда ташкил этиладиган ҳовли боғларига хусусий тураржой уйлари ва жамоат биноларининг ҳовли боғлари ҳамда жамоат биноларининг вестибюль ва холларида шакллантириладиган ҳовли боғлари киради. Интерьердаги боғлар дастлаб хорижий давлатларда, ҳозир эса бизда ҳам жамоат бинолари интерьерлари ва ички ҳовлиларида ташкил этилмоқда. Уларнинг меъморий- ландшафт

стилистикаси ва ечимлари ўша жамоат биноларининг архитектуравий, бадий геометрик шаклларига уйғун ва ҳамоҳанг шаклларда ишланиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирда қатор хорижий дўлатларда қурилаётган кўпчилик жамоат биноларининг ҳовлиларини боғларсиз тасаввур этиш қийин, ҳеч бўлмаса улар кичикроқ боғга эга. Бамбук боғлари, пальма боғлари, гуллар боғи, тошлоқ боғлар, чирмовик ўсимликлар боғи... Бир-биридан чиройли бу ҳовли боғларида ўтириб дам олиш, енгил тамадди қилиш, қоғоз стаканчаларда қаҳва ичиш, намли ва иссиқ ёз об-ҳавосида чарчоқ чиқариш ва сайрдан сўнг бундай боғлар шабадасида бир зум тўхтаб дам олиш имкониятлари яратилган.

III-БОБ

ЧОРБОҒ УСЛУБИДАГИ ҲОВЛИ БОҒЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ- РЕЖАВИЙ ВА ЛАНДШАФТ ЕЧИМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг меъморий –режавий ва ландшафт ечимларини такомиллаштириш бўйича умумий таклифлар

Боғда кўрпачада ўтириб ёки оёқ узатиб дам олишга мўлжалланган миллий ёстиқлар, гиламлар, “чорпоя” ёки “тахти равон” лар бўлиши ва энг муҳими уларнинг остидан жилдираган “жаннат ариқлари” суви оқиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Ариқ ёки канал тагига шағал тошлардан териб чиқилса сувнинг жилдираши янада ошиб кишига завқ бағишлайди.

Қуръони Каримда “тагидан дарё оқувчи боғлар” дейилганда аслида ана шундай боғлар эътиборга олинган. Бунда чорпояларнинг қуюқ соя-салқинда, ёпиқ яшил манзаравий муҳитда бўлиши одатий деб қаралиши зарур. Боғ йўлакларининг тўшамалари табиий тош ёки ғиштлардан терилган текис саҳнга ва ҳошияларга эга бўлиши, чорпоялар қошига осилган қафаслардаги какликларнинг соз сайраши кишига ҳузур бағишлайди.

Боғнинг меъморий ечими мунтазам “Чорбоғ” композициясида ишланиб, унда тўғри йўл ва хиёбонлар, ариқ ва каналлар, ҳовуз ва ҳавзалар, жилдираган фавворалар, хуллас оқар сув ва сояли муҳитнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи керак.

Боғ иморатларини боғ саҳнидан баландроқ, тепароқ жойларга қуриш ва иложи борица жанубга қаратиб жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинганда улардан боғ саҳни ва манзарасининг яхши кўриниб туриши таъминланди. Боғ ариқларидаги сув қуёш нури остида эмас, балки соядан оққани яхши. Боғда кенг ҳовуз бўлиши, унинг атрофларига барги тушмайдиган сояли дов – даратхлар экилиши мақсадга мувофиқ. Шунда

ҳовуз юзи соя билан ёпилади, сув тоза туради, соғлом ёпиқ яшил муҳит ҳосил бўлади. Боғда экилган дарахтлар ортидан жой ташлаб турли нав гуллардан тузилган гулзорлар шакллантирилиб, олдинги дарахтларга кўра контраст тарзда очик яшил муҳит ҳосил қилинади. Гулзорлар муҳитидан кейин эса доим яшил манзарали дарахтлар экилади. Боғ периметри бўйлаб тирмашиб ўсувчи гулловчи тоқлар экилса яхши чиқади.

Боғнинг сўнгги тўрроқ қисмига эса исталган мевали дарахтлардан экилса улар шимолдан эсувчи шамоллардан боғни ҳимоя қилади ва чиройли мевалар беради.

Мевали дарахтлар орасига оддий хушқомат анорлар экилса мақсадга мувофиқ иш бўлади.

Боғ марказига боғ кўшқини қуриш зарур, токи ундан бутун боғнинг сўлим манзаралари кўриниб турсин. Кўшқка чирмашган атиргул ва мирт, атрофига эса боғни гул-гун қилувчи клумба гулзорлар ишлаш яхшидир. Ва бу боғнинг бўйи энидан катта бўлмоғи керакки, унда юрганлар кўзи атрофдаги гўзал манзараларга, чаман ва гулзорларга тушсин.

Боғ ичида манзарали дарахтлар ва гулзорлар узра сайр қилиб юрган киши бирон бир ширин мевани ёки сабзавотни кўрмаса, ундан татимаса бундай боғни том маънода Қуръони Каримда ёзилган жаннат боғи деб бўлмаса керак.

Ҳовли боғда боғнинг ўзи ва боғ қурилмалари боғнинг муҳим таркибий қисмлари деб қаралиб, уларнинг композицияси эса тарҳи ва ҳажмига кўра ўзаро узвий ва уйғун боғланишда бўлмоғи керак. Ана шу меъморий яхлитлик, яъни боғ ва унинг қурилмалари ёхуд боғ элементлари орасидаги уйғунлик боғ дизайнининг бош тамойилига айланиши зарур. Бунинг учун боғ қисмлари, барча элементлар геометрияси тўғри чизиқли, бир-бирига стилистик ўхшаш, мунтазам, аксли симметрия қонунига асосланган бўлиши талаб этилади.”Чорбоғ” композицияси бу тамойилнинг меъморий гаровидир. Чорбоғ услубида бунёд этилган ва бизгача етиб келган ва келмаган ислом дунёсидаги барча боғлар Темурийлар ва

Бобурийлар боғлари, Эрон ва Дамашқ, Туркия боғлари буни исботлаб турибди. Бу боғларнинг барчаси (саройлар қошидаги боғлар, шаҳар ташқарисидаги маҳобатли боғ-саройлар, ҳовли ҳовли боғлари, мақбара боғлар) мунтазам геометрик режавий ечимга, яъни “Чорбоғ” услубига асосланган боғлардир. Уларнинг яратилиш концепциясида юқоридаги меъморий яхлитлик, геометрик мунтазамлик ва симметриядан ташқари “сув ва соя қонуни” мавжуд.

3.2. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларининг меъморий лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар

Ҳовли боғларни яратиш жуда кўп қийинчиликлар билан боғлиқ: яъни уларнинг оғир қўл меҳнати эвазига, ўта тадбиркорлик билан яратилганлигига гувоҳи бўламиз. Халқимиз учун янги боғ ва экин майдони яратиш келажакда хонадон ризқини таъминлашга замин бўлган. Шунинг учун ҳам у ҳатто тоғ қояларида қарицлаб экин майдони барпо қилишга ҳаракат қилган. Қоянинг нишоб жойларини йўниб поғоналалар қилиш каби тадбирлар кишидан оғир меҳнат, шунингдек катта тажриба ва муҳандислик ечимларини ҳал этишни талаб қилган. Тоғ рельефи кишини иморат куриш каби, поғонали композицияда, боғ яратишга ундаган. Поғонанинг олд қисмига қаланган девор унинг мустаҳкамлигини ва композицион яхлитлигини таъминлаган. Бу боғлар негизида Бобил, Рим осма боғлари принципи ётади. Чунки, уларнинг айримлари осма боғлар каби, поғонама-поғона сойдан 40-50 метр баландликка кўтарилган. Мазкур боғларнинг Бобил осма боғларидан принципиал фарқи шундаки, уларда устунлар назарда тутилмаган. Бунга ҳожат ҳам бўлмаган.

Ундан ташқари Бобил осма боғлари подшо ва унинг оила аъзоларига тегишли бўлган. Шунинг учун ҳам уларда манзара ва иморатларнинг бадиийлигига кўп эътибор берилган. Бундай боғларни юзлаб мутахассис ва хизматкорлар парвариш қилган. Тоғларда эса

хўжаликлар боғлардан кўп ҳосил олиш чорасини излашган. Шундай бўлишига қарамасдан боғлар композициясида ва уларни сув билан таъминлаш қурилмалари заминида ҳам ажойиб муҳандислик муаммолари ётади. Боғлардаги иморатлар ҳам уларнинг асосий талабларига жавоб берган. Шунингдек, улар боғ манзараси, тоғ ландшафти билан композицион бириккан.

Шу билан бирга кўриб ўтилган боғларда аниқлик камроқ. Уларда яруслар сони, кенглиги рельефга боғлиқ ҳолда яратилган. Ярусларга чиқиш учун ҳам бирор аниқ боғ-парк санъатига хос бўлган кўринишдан маҳрум. Лекин улар ўзининг ҳар хил композицияси билан шу жой шиитоитига, ландшафтига гўёки табиатнинг ўзи яратгандек бутунлай боғланиб кетган. Бу ҳам илғор анъана. Шунн хам эслаб ўтиш керакки, тоғларда уйлар томи кенг ишлатилган. Яъни хўжалик хона томи турар уйи учун ҳовли майдон вазифасини бажарган. Айтишларига қараганда Тоғли Бадахшоннинг айрим дараларида деҳқончилик қиладиган майдони оз хўжаликлар уй томларидан ҳам фойдаланган эканлар. Лекин бу одат Тоғли Бадахшонда ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам оммавий жорий қилинмаган. Бизнингча, бунга биринчидан эҳтиёж бўлмаган, чунки тоғликлар қишлоқда, яъни ўз уйларида кузнинг иккинчи ярмидан баҳорнинг биринчи ярмигача вақт яшашган. Қолган ойларни ой бўйидаги боғда ўтказишган. Иккинчидан томда боғ яратиш учун мавжуд ёғоч конструкцияларнинг мустаҳкамлиги бунга имкон бермаган. Ваҳонланки, тоғларда томларни гулзорга айлантириш имкони бор. Чунки уйлар зина шаклида кўтарилиб борган. Уларга сувни тарновлардан қишлоқ юқорисидаги чашмалардан келтирса бўлади. Хонадонларга чашмадан сув келтириш масаласи Қашқадарёнинг Ғелон қишлоғида яхши ечилган. Унда ҳар бир хонадон уйига сув келтирилган.

Томда гулзор яратиш масаласи хорижий Шарқ в Ғарб давлатларида яхши йўлга қўйилган. Фикримиз исботи учун немис олимлари Г.

Голлвисцер ва В.Вирсининг “Томдаги боғлар” номли китобидан бир нечта мисол келтирмиз (Голлвисцер Г., 1972, 56-б.).

Швецариянинг Цуг шаҳридаги терассали уйларни (1959-1960) олиб карасак, ундаги юқорига кўтарилган сари орқага сурилиб борган горизонтал ярусли усти гулзорга айлантирилган. Англиянинг Гилорд шаҳрида универсал магазин устида катта ҳовузли боғ яратилган. Ҳовуз таги ҳар хил рангдаги тошлар билан безатилган. Ҳовузнинг айрим қисмларида сув шсимликлари ҳам ўсади. Ҳиндистоннинг Аҳмадобод шаҳрида Саробгой тураруй томига калин тупроқ тўкилган. Сув бетон тарновлар ёрдамида том участкаларига тарқалади. Уй томи икки ярусда. Биридан иккинчисига очиқ зина орқали чиқилади. Яна бир мисол: Аҳмадобод музейи 50 метр квадратли, чуқурлиги 40 см.ли 45 та ҳовуз мавжуд. Дам олувчилар бир ҳовуздан иккинчисига кўприкча, майдончалар орқали ўтишади.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиё тоғ ён бағрларида адирлар ддехқончилик учун қўлланилмоқда. Лекин ҳаунзгача тоғ ёнбағрлари учун ишланган замонавий уйлар лойиҳаси қўланилмаётир. Қўлланилган тақдирда ҳам улар ўша пиллапоя шаклида кўтарилган боғли бинолар қурилишини кенг жорий қилиш керак.

Ҳозирги кунда қурилишда ишлатиладиган замонавий ашёлар, конструкциялар чидамлиги, мустаҳкамлиги билан талабга жавоб беради. Улар поғонали уйлар томида боғча, сув ҳовузчалари, гулзор яратиш имконини беради.

Нишоблардан унумли фойдаланиш нафақат тоғларда шаҳар ва чўл зонасидаги боғларда ҳам назарда тутилмоғи лозим. Тоғларда боғ иморатини қуришда тоғ нишобликларидан фойдаланиб, улар ҳисобига ортиқча хоналар яратса бўлади. Боғхоналар таркибида айвон, балкон типдаги айвончаларни кўпроқ назарда тутиш ҳамда иморат композициясини вертикал ҳажмда ечиш маъқул. Бу тадбир экин, боғ

майдонинин тежашга имкон беради ва боғ иморат кўринишига салобатлик бағишлайди.

Акведуклардан унумли фойдаланишни нафақат тоғда балки шаҳарларда ҳам кенг жорий қилиш лозим. Ғишт, бетон ва пластмассалардан жуда чиройли акведуклар ўрнатса бўлади. Улар ўз функционал вазифасидан ташқари шаҳар, қишлоқ кўркига-кўрк қўшади. Боғ ичидан ўтган ариқ қирғоқларини цемент қуришмада тош билан териб чиқиш лозим. Бу тадбир ариқ қирғоғини мустаҳкамлайди ва унга ўзига хос гўзаллик бағишлайди.

Боғ майдонига катта-катта тошлардан унумли фойдаланиш мумкин. Уларни тик ва ётқизилган ҳолда ўрнатиб ҳар хил композициялар яратса бўлади.

Боғ йўлакларини майда ясси тошлар билан цемент қоришмасида териб чиқса бўлади. Боғнинг ўта нишоб жойида тошдан тиркагич девор яратиш мумкин. Бундай девор юзасини тошларини арчасимон қалаш услуби билан безаса бўлади. Уларда токчалар қолидирилиб ёки ярими бўртириб чиққан токча тоши юзасига коса шаклидаги гулдонлар ўрнатиб, уларга табиийлик бағишлаш мумкин. Тиркагич шаршаралар ҳосил қилса бўлади.

Боғ майдонида ўта нишобли жойларидан ўтказилган йўлакларнинг кўп қисми зина шаклида бўлгани маъқул. Унинг икки ёнини пастқамгина тош ёки бетон деворчалар билан чегаралаш мумкин. Боғнинг хушманзара жойида супалар қуриш лозим. Уларни ҳар хил рангли йиғма қисмлардан терса бўлади (бетон, ёғоч).

Юқоридаги таклифларимиз умумий йўлланма албатта, ҳар бир боғ ўз майдони тузилишига, жойлашган жойига, ландшафтига, сув тармоқларига қараб кийишидан индивидуал ёндашишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳовли боғ ечимига ижодий ёндашиш лозим. Шундагина боғларимиз иншотларлари билан ҳар хил композицияда гўзал, серзавқ

манзарага эга бўлади. Бу албатта истеъдодли боғбон, ландшафтчи архитектор ва дизайнчиларимиз дидига ҳам боғлиқдир.

3.3. Чорбоғ услубидаги ҳовли боғларини ландшафт лойиҳалаш бўйича таклифлар

Мен мазкур маърузада анъанавий ўзбек боғининг меъморий дастурини яратишга қаратилган тадқиқотим хусусида тўхталмоқчиман. Менинг фикримча, бу иш аксари Ислом мамлакатларига хос бўлган фундаментал мавзу – “Чорбоғ” концепцияси ва бу боғнинг меъморий-режавий ҳамда ландшафт дунёсини чуқур ўрганишдан бошланиши керак.

Нима учун анъанавий ўзбек боғи деганда айнан “Чорбоғ”ни ўрганишимиз керак? Гап шундаки, анъанавий миллий ўзбек боғининг генезиси, яъни илдизи “Чорбоғ”га бориб тақалади. Ўтмишда, айниқса Амир Темури ва Темурийлар даврида Самарқандда ва Ҳиротда, Эронда, сўнгра Шимолий Ҳиндистонда гўзал боғлар яратган боболаримиз уларни “Чорбоғ” деб аташиб, уларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларини айнан шу “Чорбоғ” услубида яратганлар. Меъморий бўлмаган боғларни эса “қўриқ” ёки “қўриқхона” деб атаганлар ва бундай боғларда ов қилиб дам олишган. “Чорбоғ”лар эса Темури ва Темурийлар, кейинчалик Бобури ва Бобурийлар даври меъморий боғ-истироҳатларининг асосини ташкил қилган. Тўғри, улар ўзлари яратган чорбоғларга алоҳида номлар ҳам беришган. Масалан, Боғи Дилкушо, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Майдон, Боғи Шамол ва ҳоказо. Бироқ, бу боғларнинг меъморий яратилиш тартиботи анъанавий “Чорбоғ” усулига асосланган бўлган].

Бу фикр Темурийлар даври боғ-саройларини ўрганган қатор тарихчи археолог олимларимиз томонидан ҳам исботланган. Шундай экан, анъанавий ўзбек боғининг дастурини яратиш учун биз авваламбор Ўрта Осиёда Темурийлар даври боғларининг меъморий асоси бўлмиш тарихий

“Чорбоғ” услубига, унинг мазмун ва моҳиятига мурожаат этмоғимиз мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кун Ўрта Осиё архитектура фанида боғ-парк санъатининг “Чорбоғ” услуги Г.А.Пугаченкова, П.Ш. Зоҳидов, Ў. Алимов, Д. Нозилов, А.С.Уралов, К.Д.Раҳимовлар томонидан муайян даражада ўрганилган. Жумладан, “Чорбоғ” услубидаги меъморий боғнинг график реконструкциялари яратилган. Мазкур услубдаги боғ-саройларнинг меъморий ва ландшафт ечимлари ва уларнинг шаклланиш тамойиллари ҳам илмий аниқланган. Бироқ, бу бажарилган ишларни бугунги кунда анъанавий миллий ўзбек боғининг илмий асосланган меъморий дастурини ишлаб чиқиш ва уни яратиш учун етарли даражада деб бўлмайди.

Хўш, унда нима қилиш керак? Бизга маълумки, “Чорбоғ” нафақат Ўрта Осиё халқларининг тарихий боғларига хос, балки Ислом шарқи мамлакатларининг ҳам анъанавий боғларига хос бўлган услубдир.

Шундай экан, анъанавий ўзбек боғини Ислом мамлакатлари боғ-парк санъатидан айри қараш ёки ундан ажратилган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабдан биз мазкур тадқиқотда анъанавий ўзбек боғининг меъморий дастурини яратиш мақсадида мазкур муаммони нафақат Темурийлар ва Бобурийлар даври боғ-парк санъати мисолида, балки бугунги кунда Ислом боғчилик санъатининг замонавий амалиёти ривожланган Эрон, Туркия, Маракко, Сурия, Ҳиндистон ёки Испания мамлакатлари мисолида ҳам кўриб чиқишни ва уларнинг бу соҳадаги тарихий ва замонавий тажрибаларини ҳам ўрганишни таклиф қиламиз.

Шундай қилиб, тадқиқотимиз объектлар тарзида Ислом дунёси мамлакатларида X асрдан бошлаб то XVII аср охирларигача “Чорбоғ” услубида бунёд этилган ва бизгача сақланган анъанавий ислом боғлари мисол қилиб олинган.

Ислом мамлакатларида турли-туман боғлар мавжуд. Улар орасидаги асосий фарқ тураржойлар ҳудуди ва шаҳарлардан ташқарида жойлашган йирик ташқи боғлар ва хусусий тураржойлар ҳовлилари таркибига кирган

кичик ҳовли боғлардир. Тураржойлар массиви ва шаҳар ташқарисидаги йирик боғлар Ўрта Шарқ мамлакатларида, одатда, “бўстон” (форсийча “мевали боғ”) деб аталиб, улар ўтмишда йирик саройлар сохибларига карашли бўлган. Бироқ, бугунги кунда бундай боғлардан оммавий истироҳат боғлари тарзида ҳам фойдаланилмоқда. Маррокаш шаҳри атрофидаги Менар ёки Агдал боғ-саройлари ана шундай бўстонлардир (Кларк Э., 2008,46-б.).

Ҳар иккала боғда ҳам сокин улкан ҳовузлар мавжуд бўлиб, уларнинг атрофига зайтун ва пальма дарахтзорлари, мевали дарахтлар экилган. Улардан каттаси Агдал боғининг режавий композицияси ўзида бир неча бор такрорланган “Чорбоғ”лар панжарасини эслатади. Боғ марказини улкан ҳовуз – бассейн эгаллаган бўлиб, унинг атрофида бир-бири билан тўғри чизиқли сув каналлари орқали боғланган майда суғориш ҳовузлари жойлашган. Боғ ҳудуди девор билан айлантирилиб, унинг ичидаги сон-саноксиз квадрат тарҳли “чорбоғ”ларга турли мевали дарахтлар (апельсин, лимон, олхўри, анжир ва анорлар) экилган. Бу чорбоғлар бир-биридан суғориш каналлари билан ажратилиб, ўзаро зайтун хиёбонлари ва сайр йўлаклари орқали боғланган. Агдал ва Менар боғларида гулзорлар йўқ, бироқ улар улкан яшил салқин масканлар ҳисобланиб, сув ҳавзалари бўйидаги шаббодалардан завқланиб ва дарахтлар сояларида дам олиб оммавий ҳордиқ чиқариш мумкин.

Бошқа бир ҳозирда оммавий катта истироҳат боғи -бу Лаҳордаги (Покистон) Шалимар боғ-мажмуаси ҳисобланиб, у деярли буткул сув иншоотлари ва бинолар комплексида тузилган. Шалимар қияликдаги бўйлама ўқ бўйлаб хиёбонли, саҳни кўп поғонали “чорбоғ”услугида ишланган яхлит боғ мажмуасидир.

Ислом дунёсининг ҳовли боғларига эса анъанавий хусусий уйлар ва саройлар ичидаги ҳовли боғлари киради. Бу ҳовли боғлар “чорбоғ” композициясининг алоҳида маҳаллийлаштирилган ва миниатюра-лаштирилган шакллари ҳисобланиб, ўлчамлари жиҳатидан анча кичик,

юзаси 6 кв.м.дан то каттароқ-20 х 15 м гача боради. Анъанавий ислом шаҳарлари Дамашқ, Фест, Алепподаги хусусий уйлар ва сарой ҳовлиларидаги боғлар ана шундай ҳовли “чорбоғ”лардир. Уларнинг аксарида марказий фаввора ва ҳовуз мавжуд бўлиб, битта-иккита пальма дарахти ёки туваклардаги гуллар учрайди (Кларк Э., 2008,48-б.).

Иссиқ ва куруқ, жазирама иқлимли Ислом мамлакатларида сув нафақат боғ-парк санъати учун, балки инсон ҳаловати учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Эрон шаҳарлари, жумладан, Исфahонда ҳар бир ҳовлининг боғи бўлиб, унда чинор, тол, беҳи ва ёнғоқ дарахтларидан тушган соялар сарик, тўқ-сарик, ёрқин қизил гулли, хушбўй ҳидли алоҳида экилган атиргул буталарини ёпиб, ҳовлида салқин сояли муҳит яратган. Дамашқ шаҳри ҳовли боғларида ҳам шунга ўхшаш жозибадор муҳит мавжуд. Хусусан хусусий тураржойлар деворлари билан чегараланган ҳовли боғлари шаҳар ичидаги ҳовли “жаннат боғлари”ни эслатади. Ҳовли боғларининг аксариятида фаввора ёки ҳовуз, гулловчи буталар ва мевали дарахтлар мавжуд.

Ислом мамлакатлари боғларининг бошқа бир гуруҳи “гулистон” деб аталиб, улар “бўстонлар” ўрнини эгаллашлари мумкин. “Гулистон” деворлар билан айлантририлиб, чирмовиқ атиргуллар билан бурканган кўшк ёки бир неча атиргул буталаридан тузилган гуллик ҳовли боғларидир.

Булардан ташқари, ислом дунёсида мемориал “мақбара боғлар” ҳам мавжуд бўлиб, улар илк бор Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар даврида шакллантирилган. Мақбара боғларнинг композициявий тузилиши ҳам аслида атрофи деворлар билан айлантририлган “чорбоғ” услубидаги анъанавий боғларга асосланиб, боғ маркази ёки тўрига энди боғ кўшки эмас, балки вафот этган кишининг даҳмаси қўйилган мақбара биноси қурилган. Мақбара боғлар манзараси ва муҳити ҳовли боғларидан фарқ қилиб, марказдан ташқарига-уфқнинг тўрт тарафига қаратилган боғлардир.

Уларга мисол қилиб бизгача сақланган учта машҳур тарихий боғни келтириш мумкин: Аградаги Иътимод ад-давла мақбара боғи (Иътимод ад-давла Бобурий Жаҳонгиршоҳ даврида (1605-1627) давлат хазиначиси бўлган), Лаҳордаги Бобурий Жаҳонгиршоҳ мақбара боғи ва Аградаги Тож Маҳал мақбара боғи. Охирги боғ ушбу боғлар ичидаги меъморий, дизайн ва ландшафт ечимларига кўра энг такомилига эътирилиб қурилган боғдир. Унинг тузилиши асосида ҳам анъанавий “чорбоғ” боғининг меъморий яратилиш ғояси ётади. Нафақат Тож Маҳалда, балки Ислом мамлакатлари боғларининг юқорида баён этилган барча турларида ҳам “чорбоғ” услубининг у ёки бу хил шаклларида фойдаланилган. Йирик боғларда, масалан, Агдал боғларининг тарҳида “чорбоғ” чизмаси бир неча бор такрорланган ва ташқи кўринишидан қараганда модулли симметрик режали боғ шаклланган. Умуман олганда, анъанавий “чорбоғ” шаклида Қуръонда ёзилган жаннат боғи акс эътирилиб, у фалакдаги Аллоҳ рамзи ва осмон боғини англатади. Барча ислом боғлари, уларнинг хиллари ва қаерда жойлашишидан қатъий назар уларга хос бўлган асосий таркибий тамойил - бу сув ва соя ҳамда уларнинг турли шакллари қўллашдир.

Қуръони Карим барча мусулмонлар учун муқаддасдир. Шу боис ундаги табиатга бўлган эҳтиром ва жаннат боғининг таърифи анъанавий ўзбек боғининг ҳам мазмун ва моҳиятини тушунишда ёки уни яратишда катта аҳамият касб этади.

Қуръони Каримнинг 55-Раҳмон сурасида икки жуфт жаннат боғлари ҳақида сўз кетади. Биринчи жуфт жаннат боғлари сон-саноксиз “шоҳ-новдаларга эга” деб кўрсатилган. Бу боғларда “барча меваларнинг жуфт навлари борки,” улар сувни “икки оқар жаннат чашмалари”дан ичади. Шунинг учун ҳам улар доим сермева ва соя-салқиндир. Қуръонда бу боғларнинг “маваси жаннат аҳлига яқиндир” деб айтилган. Бу оят мазмунини биз ўша мевали дарахтларнинг боғда дам олувчилар ва сайр қилувчилар йўлакларига яқин тарзда экилганлигидан, деб тушундик.

Иккинчи жуфт жаннат боғлари эса биринчи жуфт боғларидан куйироқда жойлашиб, дарахтларининг бўйи анча баланд, сершоҳ, янада серяпроқ ва серсувдир, шу боис улар биринчи жуфт боғларига кўра “корамтирроқдир”. Уларда тинмай отилиб турувчи икки чашма, яъни фавворалар бордир. “Бу боғларда хурмо, анор, анжир ва зайтун дарахтлари мавжуд”.

Жаннат аҳли боғда “яшил болишлар, гўзал гиламлар ва шойи кўрпачалар устида ўтириб дам оладилар”. Мазкур сура оятларида жаннат боғларининг хушхулқ хурлиқолари ва гўзал юзли аёллари борлиги, бу хурлиқоларнинг чодирларда туриши ҳам кайд этилган. Кўриниб турибдики, Қуръоннинг Раҳмон сурасида икки жуфтдан иборат тўртта жаннат боғлари ҳақида сўз юритилган.

“Жаннат” тушунчаси ва уни боғ тарзида тассавур қилиш одати Шарқ мамлакатлари халқларида фақат Ислом давридагина эмас, балки қадим замонлардан буён шаклланиб келган. Бундай тассавур христианлик ва ҳатто иудизмдан ҳам анча аввал, Месопотамиядаги Шумерлар даврида (эрамизгача 4000-йилларда) юзага келган, деб ҳисобланади. Илоҳларнинг жаннат боғлари ҳақидаги фикрлари инсониятга маълум бўлган илк ёзма ёдгорликларда ҳам учрайди. Кейинроқ (эрамизгача 2700 йилларда) бобилликлар Гилгамиш ҳақидаги эпосда ўзларининг “Илоҳий жаннат” ҳақидаги тушунчаларини шундай ёзганлар: “Бу боқий дунёдаги жаннат боғида Дарахт бўлиб, у муқаддас чашма ёнида жойлашган”. Кўриб турибмизки, жаннат боғида икки асосий нарса: дарахт ва сув бор. Демак, бунда дарахтдан тушган соя ва мева ҳам бор. Қуръонда бу боғлар “Жаннат ал-фирдаус” (яъни “жаннат макон боғлар”) деб аталган.

Ислом Шарқи мамлакатларида кенг тарқалган боғларни акс эттиручи бошқа шарқона атамалар, хусусан “чорбоғ”, “чоҳарбоғ”, “бўстон”, “гулистон” ва “пайридез” форсий сўзлар бўлиб, улар бу атамаларнинг генезисини, яъни келиб чиқишини ҳам ўзларида акс эттирган. Бу ердаги “чорбоғ” ёки “чоҳарбоғ” сўзлари тўрт қисмдан тузилган боғ маъносини

берса, “бўстон” – “мевали боғ”ни, “гулистон” – “гуллар боғи”ни, “пайридез” эса пайри-атроф, дез-девор, яъни “атрофи девор билан ўралган боғ-жаннат” маъносини англатади.

“Пайридез”лар аслида Ахамонийлар (эрамизгача 590-300 йй.) ва Сосонийлар (эрамизнинг 200-600 йй.) даврида қадимги форс подшоҳларининг ов қилиб ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган ҳудудди баланд деворлар билан ўралган боғлар кўринишида шаклланган. Бу боғлар ташқи муҳитдан ёпиқ, яъни ажратилган ва истироҳат мақсадларига мўлжаллангани боис, европаликлар, хусусан инглизлар уларни “paradise” деб, жаннат боғларига қиёслаганлар. Дарҳақиқат, исломдаги “жаннат” сўзида ҳам атроф муҳитдан буткул ихоталанган, ўзининг ички сирлари ва сифатларига эга бўлган жаннатмакон боғлар тасвирланган. Ислом Шарқи мамлакатларидаги боғлар четини деворлар билан ўраш, яъни ихоталаш айнан ана шундай тушунчалар асосида келиб чиққан бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам ўрта аср миниатюраларидаги шарқона боғлар ёки чорбоғлар атрофи баланд деворлар билан тўсилган кўринишда тасвирланган .

Сувга танқис, иссиқ, жазирама иқлимли Шарқ ислом мамлакатлари (Эрон, Арабистон, Афғонистон, Ўрта Осиё) анъанавий боғларининг режавий тузилиши уларда қўлланилган суғориш ва ирригация тизимига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Текис ҳудудлар учун энг қулай ва тежамли ирригация тизими, маълумки, бу тўғри чизиқ шаклида ўтказилган ариқ ва каналлардир. Айнан шу боисдан ҳам ушбу мамлакатлар анъанавий боғи - “Чорбоғ”нинг тарҳий ва ҳажмий тузилиши тўғри геометрик чизиқлар ва симметрияга асосланган десак тўғри бўлади.

Қуруқ иссиқ, жазирама иқлимли мамлакатлардаги сув танқислиги совуқ иқлимли серсув мамлакатлардаги олов танқислигига эквивалентдир. Шу боисдан ҳам Шарқ мамлакатлари боғлари учун сув ва соя ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Европа илоҳий боғларининг руҳи улардаги гуллар, майсалар ва дарахтларда акс этган бўлса, Шарқ мамлакатлари боғларининг руҳи

бошқа нарсада, яъни оқар сув ва унинг турфа хил гўзал кўринишлари ва боғларда яратилган соя-салқинлардадир. Буни унутмаслигимиз керак.

Мавританиялик муаллиф Ибн ал-Аввам XII асрда боғлар ландшафти ҳақида бир рисола ёзиб, унда қуйидагиларни таклиф қилган: “катта гулзор (клумба)лар манзарасини жозибалаштириш ва бўрттириш учун уларнинг бурчакларига биттадан кипарис экиш, шунингдек, боғнинг бош хиёбони бўйлаб ҳам қаторлаб кипарислар экиш; қаторлаб экишда кипарисдан ташқари кедр ва еллардан ҳамда цитрусовий ва хушбўй хидли лавр дарахтларидан фойдаланиш зарур. Ҳовуз ва ҳавзалар юзасини соя билан ёпиш учун, уларнинг атрофига барглари тушмайдиган апельсинсимон вяз, тол ва мажнунтол каби дарахтлар экиш; яшил тўсиқ (панжара)ларни шакллантириш учун эса шамшод ва лавр ҳамда чирмашувчи ва тирмашувчи ўсимликларни, токзорларни қўллаш ҳам фойдалидир”. Деярли минг йил аввал айтилган ушбу таклифлар боғ дизайни мавзуси учун бугун ҳам қанчалик долзарб ва фойдали эканлигига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

3.4. Ҳовли боғларининг ландшафт дизайнини такомиллаштириш бўйича таклифлар

Ҳовли боғда ана шу қонуниятлар, яъни тамойиллар етакчи ўринни эгаллашлари зарур. Бу асосий меъморий тамойилларга манзарали ва мевали дарахтлар, кузалиб сунъий шакллар берилган манзарали дарахтлар, токзор (узум), гулзор ва сабзавотлар ҳамда қўлга ўргатилган кишилар дунёсига ҳам тегишли жой ва ўрин берилишини шарт деб ҳисоблаймиз. Ана шундагина бу боғ нафақат ўзбекнинг, балки бошқаларнинг дилини ҳам яйратиш хусусиятига эга бўлади. Ана шундагина бу боғни биз мусулмонларнинг Қуръони Каримида ёзилган “Жаннат ал-фирдаус”сига қиёслашимиз ва ўхшатишимиз мумкин! Бу боғ бизга Қуръонда “фойдали ва фазилатли иш қилганларга” ваъда қилинган жаннат боғини ва унинг

турли сифатларини, масалан, “Жаннат ал-хулд”ни (“адабиёт боғини”), “Жаннат ан-наим” (“фароғат боғини”), “Жаннат ал-малва”ни (“истиқомат боғини”) ва шунингдек “жаннат Адн”ни, яъни “Одам ато боғи”ни эслатиб туриши зарур. Қуръонда жаннат боғининг сифатига нисбат берилиб, энг кўп (30 дан ортиқ) марта тилга олинган боғ, бу “Жаннат тажри мин тахтиха ал-анҳор”, яъни “тагидан дарё оқувчи боғ” ҳисобланади .

Ҳовли боғдаги ариқ сувлари чорпоялар, кўшклар ва дарахтлар сояси тагидан жилдираб оқиб ўтмоғи, ҳовуз ва фавворалардаги сув саҳни эса сайр қилиш йўлакларидан паст бўлиб, уларнинг юзасига қуюқ соя тушмоғи зарур. Фикримизча, айнан ана шундай боғлар Қуръони Каримда “тагидан дарё оқувчи боғлар”га қиёсланган.

Ҳовли боғ ҳам бундай сифатга том маънода эга бўлмоғи, тўғрироғи бу сифат унинг энг муҳим меъморий-ландшафт тамойилларидан бири бўлмоғи керак. Бу сифат боғда сув дунёсининг турли меъморий шакллари (арикларда жилдираб оқаётган сув, фавворалардан тизиллаб отилаётган сув, сокин ҳовуз суви, агар боғ қияликда жойлашган бўлиб, саҳни текис поғоналарга бўлинган бўлса шалоларлардан шилдираб оқаётган сув) ҳам анъанавий ҳовли ўзбек боғига хос муҳим хусусиятлардан бўлиши керак.

Ҳовли боғ ўзида юзаки чирой, манзаравийликни эмас, балки табиат гўзаллиги ва тартиботини, инсон ва табиатнинг илоҳий яхлитлиги ҳамда Инсонинг ердаги роли ва мазмунини чуқур билиш ва тушуниш асосида яратиладиган анъанавий “Чорбоғ” услубидаги жаннатий боғ бўлмоғи керак, десак хато кетмаймиз.

Ана шундай меъморий тафаккур ва тамойиллар асосида яратилган ҳар қандай анъанавий шарқона ҳовли боғ жуда катта ижтимоий-маданий ва бадиий эстетик имкониятларга эга бўлиши муқаррардир.

Шуни унутмаслигимиз керакки, бизнинг ҳозирги кунларимизда боғ ва умуман табиат тушунчалари ҳар қандай миллийликдан, ирқий, диний ва мафкуравий тушунчалардан юқори туриши керак. Чунки, масалан, япон ёки француз боғи нафақат япон ва французларга, балки барча ақлу-

инсонларга ҳам бирдай гўзаллик бахшида этиши ҳаммамизга маълум. Шундай экан анъанавий ўзбек боғининг ҳам ана шундай гўзал сифатларга ва улардан ҳам юқори жаннатий фазилатларга эга бўлиши кутилади .

Шундай қилиб, биз ҳовли боғни яратишда юқорида баён этилган дастуру-амалларга, тартиботларга ва тарихий қадриятларга асослансак, уларга оғишмай амал қилсак келажакда бунёд этиладиган миллий ўзбек боғини илмий асослашнинг Ўзбекистон архитектура фанида илк бор тамал тошини қўйган бўламиз ва ана шу тарихий қадриятлар ва меъморий дастурга асосланиб аввал ўзимизда, республикада, сўнгра хорижий мамлакатларда ҳам ҳақиқий миллий ҳовли ўзбек боғини яратиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

III-боб хулосаси

1. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ҳовли боғларини яратишнинг асосан шарқона, “Чорбоғ” услубидаги архитектуравий - ландшафт тамойиллари кўрсатиб берилди: ҳовли боғида кўрпачада ўтириб ёки оёқ узатиб дам олишга мўлжалланган миллий ёстиқлар, гиламлар, “чорпоя” ёки “тахти равон” лар бўлиши ва энг муҳими уларнинг остидаги жилдираган “жаннат ариқлари”дан сув оқиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Ариқ ёки канал тагига шағал тошлардан териб чиқилса сувнинг жилдираши янада ошиб, кишига завқ бағишлайди.

2. Ҳовли боғида чорпояларнинг қуюқ соя-салқинда, ёпиқ яшил манзаравий муҳитда бўлиши одатий деб қаралиши зарур. Ҳовли боғи йўлакларининг тўшамалари табиий тош ёки ғиштлардан терилган текис сахнга ва ҳошияларга эга бўлиши, чорпоялар қошига осилган қафаслардаги какликларнинг соз сайраши эса кишига завқ бағишлаши табиийдир.

3. Ҳовли боғининг меъморий ечими мунтазам ”Чорбоғ” композициясида ишланиб, унда тўғри йўл ва хиёбонлар, ариқ ва каналлар,

ҳовуз ва ҳавзалар, жилдираган фавворалар, хуллас оқар сув ва сояли муҳитнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи керак;

4. Боғи марказига ёзги кўшк-айвон (шийпон) қуриш зарурки, токи ундан бутун ҳовли боғининг манзаралари кўриниб турсин. Кўшк устунларига чирмашган атиргул ва мирт, атрофига эса боғни гул-гун килувчи клумба гулзорлар, ҳовуз ёки фаввора ишлаш яхшидир.

5. Ҳовли боғида боғнинг ўзи ва боғ қурилмалари боғнинг муҳим таркибий қисмлари деб қаралиб, уларнинг композицияси эса тарҳи ва ҳажмига кўра ўзаро узвий ва уйғун боғланишда бўлмоғи керак. Ана шу меъморий яхлитлик, яъни ҳовли боғи ва унинг қурилмалари ёхуд боғ элементлари орасидаги уйғунлик боғ дизайнининг бош тамойилига айланиши зарур. Бунинг учун боғ қисмлари, барча элементлар геометрияси тўғри чизиқли, бир-бирига стилистик ўхшаш, мунтазам, аксли симметрия қонунига асосланган бўлиши талаб этилади. "Чорбоғ" композицияси бу тамойилнинг меъморий гаровидир. Ҳовли боғларининг яратилиш концепциясида юқоридаги меъморий яхлитлик, геометрик мунтазамлик ва симметриядан ташқари "сув ва соя қонуни"га риоя қилинмоғи зарур.

6. Ҳовли боғида ана шу қонуниятлар, яъни тамойиллар етакчи ўринни эгаллашлари зарур. Бу асосий меъморий тамойилларга манзарали ва мевали дарахтлар, кузалиб сунъий шакллар берилган манзарали дарахтлар, бир-икки жуфт ток (узум), гулзор ва сабзавотлар ҳамда қўлга ўргатилган қушлар дунёсига ҳам тегишли жой ва ўрин берилиши мақсадга мувофиқ;

7. Ҳовли боғидаги ариқ сувлари чорпоялар, кўшклар ва дарахтлар сояси тагидан жилдираб оқиб ўтмоғи, ҳовуз ва фавворалардаги сув саҳни эса сайр қилиш йўлакларидан паст бўлиб, уларнинг юзасига қуюқ соя тушмоғи зарур.

Ҳовли боғи ҳам бундай сифатга том маънода эга бўлмоғи, тўғрироғи бу сифат унинг энг муҳим меъморий-ландшафт тамойилларидан бири бўлмоғи керак. Бу сифат ҳовлида сув дунёсининг турли меъморий

шакллари (арикларда жилдираб оқаётган сув, фавворалардан тизиллаб отилаётган сув, сокин ҳовуз суви, агар ҳовли боғи қияликда жойлашган бўлиб, сахни текис поғоналарга бўлинган бўлса шалоларлардан шилдираб оқаётган сув) ҳам анъанавий ҳовли боғига хос муҳим хусусиятлардан бўлиши керак.

Ҳовли боғи ўзида юзаки чирой, манзаравийликни эмас, балки табиат гўзаллиги ва тартиботини, инсон ва табиатнинг илоҳий яхлитлиги ҳамда Инсонинг ердаги роли ва мазмунини чуқур билиш ва тушуниш асосида яратиладиган анъанавий “Чорбоғ” услубидаги жаннатий боғ бўлмоғи керак, десак хато кетмаймиз.

Ана шундай меъморий тафаккур ва тамойиллар асосида яратилган ҳар қандай анъанавий “Чорбоғ” услубидаги шарқона ҳовли боғи жуда катта ижтимоий-маданий ва бадиий эстетик имкониятларга эга бўлиши муқаррардир.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

Юқорида ўтказилган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. “Ҳовли боғи” атамаси шу чоккача илму-фанда ўзининг аниқ тушунчасига эга бўлмаган. Натижада уларни меъморий – ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалаш тамойиллари ишлаб чиқилмаган ва тартибга солилмаган эди. Мазкур диссертацияда биз ландшафт архитектурасининг ушбу муҳим тушунчасини илмий нуқтаи назардан аниқлаштириб бердикки, унинг параметрлари, турлари, меъморий-режавий ва ландшафт ташкиллаштириш тамойиллари ишлаб чиқилди.

2. Ҳовли боғи –бу майдони бир сотокдан то 25 соток (0.25 гектар)гача ҳудудга эга бўлган, муайян меъморий-ландшафт стилида ташкиллаштирилиб, асосан рекреация, яъни дам олиш, хордиқ чиқариш, томоша қилиш, ўйга чўмиш каби функцияларга мўлжалланган манзарали боғидир. Ҳовли боғлари икки хил режавий композицияда: тўғри чизиқли мунтазам ёки эркин табиий кўринишдаги манзаравий ечимларда лойиҳаланиши мумкин.

3. Ҳовли боғларининг турли табиий иқлим шароитларида ва эстетик ғоялар асосида шаклланган тарихий ва замонавий турлари ҳамда уларнинг минтақавий турлари, яъни Шарқона ва Европача турлари мавжуд. Ҳовли боғларининг Шарқона турларига “адабиёт боғлари” (Хитой), “тошлоқ боғлар” ёки “қуруқ пейзажли боғлар” (Япония), “Чорбоғ” услубидаги ҳовли боғи, “Мушрабия” (Эрон ва Ўрта Осиё), “Сув боғи”, “Мох боғи”, “Чой боғи” (Япония), “Хотира ва қадрият боғлари” (Ўзбекистон) кирса, Европача турларига “Партер боғлар” (Италия, Франция), “Патио”лар (Испан-мавритания), “Қишки боғлар” (Англия), “Тошлоқ боғлар”, “Том усти боғлари”, “Полиз боғлар”, “Хайкал боғлари” (Франция, Италия, Америка) “Чинампас боғ” (Мексика)лар киради.

4. Ҳовли боғларининг ташқи очик муҳитларда ва ички ёпиқ муҳитларда ташкил этиладиган хиллари ҳам мавжуд.

Ички ёпиқ ёки ярим ёпиқ меъморий муҳитларда ташкил этиладиган ҳовли боғларига хусусий тураржой уйлари ва жамоат биноларининг ҳовли боғлари ҳамда жамоат биноларининг вестибюль ва холларида шакллантириладиган ҳовли боғлари киради. Интерьердаги боғлар дастлаб хорижий давлатларда, ҳозир эса бизда ҳам жамоат бинолари интерьерлари ва ички ҳовлиларида ташкил этилмоқда. Уларнинг меъморий- ландшафт стилистикаси ва ечимлари ўша жамоат биноларининг архитектуравий, бадиий геометрик шаклларига уйғун ва ҳамоҳанг шаклларда ишланиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирда қатор хорижий давлатларда қурилаётган кўпчилик жамоат биноларининг ҳовлиларини боғларсиз тасаввур этиш қийин, ҳеч бўлмаса улар кичикроқ боғга эга. Бамбук боғлари, пальма боғлари, гуллар боғи, тошлоқ боғлар, чирмовиқ ўсимликлар боғи... Бир-биридан чиройли бу ҳовли боғларида ўтириб дам олиш, енгил тамадди қилиш, қоғоз стаканчаларда қахва ичиш, намли ва иссиқ ёз об-ҳавосида чарчоқ чиқариш ва сайрдан сўнг бундай боғлар шабадасида бир зум тўхтаб дам олиш имкониятлари яратилган.

5. Мазкур диссертацияда ўтказилган тадқиқотлар асосида ҳовли боғларини яратишнинг асосан шарқона “Чорбоғ” услубидаги архитектуравий - ландшафт тамойиллари кўрсатиб берилди:

а) Ҳовли боғида кўрпачада ўтириб ёки оёқ узатиб дам олишга мўлжалланган миллий ёстиқлар, гиламлар, “чорпоя” ёки “тахти равон” лар бўлиши ва энг муҳими уларнинг остидаги жилдираган “жаннат ариқлари”дан сув оқиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Ариқ ёки канал тагига шағал тошлардан териб чиқилса сувнинг жилдираши янада ошиб, кишига завқ бағишлайди.

Ҳовли боғида чорпояларнинг қуюқ соя-салқинда, ёпиқ яшил манзаравий муҳитда бўлиши одатий деб қаралиши зарур. Ҳовли боғи

йўлакларининг тўшамалари табиий тош ёки ғиштлардан терилган текис саҳнга ва ҳошияларга эга бўлиши, чорпоялар қошига осилган қафаслардаги какликларнинг соз сайраши эса кишиши табиийдир.

Ҳовли боғининг меъморий ечими мунтазам ”Чорбоғи” композициясида ишланиб, унда тўғри йўл ва хиёбонлар, ариқ ва каналлар, ҳовуз ва ҳавзалар, жилдираган фавворалар, хуллас оқар сув ва сояли муҳитнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи керак;

б) Боғи марказига ёзги кўшк-айвон (шийпон) қуриш зарурки, токи ундан бутун ҳовли боғининг манзаралари кўриниб турсин. Кўшк устунларига чирмашган атиргул ва мирт, атрофига эса боғни гул-гун қилувчи клумба гулзорлар, ҳовуз ёки фаввора ишлаш яхшидир.

в) Ҳовли боғида боғнинг ўзи ва боғ қурилмалари боғнинг муҳим таркибий қисмлари деб қаралиб, уларнинг композицияси эса тарҳи ва ҳажмига кўра ўзаро узвий ва уйғун боғланишда бўлмоғи керак. Ана шу меъморий яхлитлик, яъни ҳовли боғи ва унинг қурилмалари ёхуд боғ элементлари орасидаги уйғунлик боғ дизайнининг бош тамойилига айланиши зарур. Бунинг учун боғ қисмлари, барча элементлар геометрияси тўғри чизиқли, бир-бирига стилистик ўхшаш, мунтазам, аксли симметрия қонунига асосланган бўлиши талаб этилади.”Чорбоғ” композицияси бу тамойилнинг меъморий гаровидир. Ҳовли боғларининг яратилиш концепциясида юқоридаги меъморий яхлитлик, геометрик мунтазамлик ва симметриядан ташқари “сув ва соя қонуни”га риоя қилинмоғи зарур.

Ҳовли боғида ана шу қонуниятлар, яъни тамойиллар етакчи ўринни эгаллашлари зарур. Бу асосий меъморий тамойилларга манзарали ва мевали дарахтлар, кузалиб сунъий шакллар берилган манзарали дарахтлар, бир-икки жуфт ток (узум), гулзор ва сабзавотлар ҳамда қўлга ўргатилган қушлар дунёсига ҳам тегишли жой ва ўрин берилиши мақсадга мувофиқ;

г) Ҳовли боғидаги ариқ сувлари чорпоялар, кўшклар ва дарахтлар сояси тагидан жилдираб оқиб ўтмоғи, ҳовуз ва фавворалардаги сув саҳни

эса сайр қилиш йўлакларидан паст бўлиб, уларнинг юзасига қуюқ соя тушмоғи зарур.

Ҳовли боғи ҳам бундай сифатга том маънода эга бўлмоғи, тўғрироғи бу сифат унинг энг муҳим меъморий-ландшафт тамойилларидан бири бўлмоғи керак. Бу сифат ҳовлида сув дунёсининг турли меъморий шакллари (арикларда жилдираб оқаётган сув, фавворалардан тизиллаб отилаётган сув, сокин ҳовуз суви, агар ҳовли боғи қияликда жойлашган бўлиб, саҳни текис поғоналарга бўлинган бўлса шалоларлардан шилдираб оқаётган сув) ҳам анъанавий ҳовли боғига хос муҳим хусусиятлардан бўлиши керак.

Ҳовли боғи ўзида юзаки чирой, манзаравийликни эмас, балки табиат гўзаллиги ва тартиботини, инсон ва табиатнинг илоҳий яхлитлиги ҳамда Инсонинг ердаги роли ва мазмунини чуқур билиш ва тушуниш асосида яратиладиган анъанавий “Чорбоғ” услубидаги жаннатий боғ бўлмоғи керак, десак хато кетмаймиз.

Ана шундай меъморий тафаккур ва тамойиллар асосида яратилган ҳар қандай анъанавий “Чорбоғ” услубидаги шарқона ҳовли боғи жуда катта ижтимоий-маданий ва бадиий эстетик имкониятларга эга бўлиши муқаррардир.

Шундай қилиб, биз ҳовли боғини яратишда юқорида баён этилган дастуру-амалларга, тартиботларга ва тарихий қадриятларга асослансак, уларга оғишмай амал қилсак келажакда бунёд этиладиган шарқона ҳовли боғларини илмий меъморий асослашнинг Ўзбекистон архитектура фанида илк бор тамал тошини қўйган бўламиз ва ана шу тарихий қадриятлар ва меъморий тамойилларга асосланиб “Чорбоғ” услубидаги меъморий ҳовли боғини яратиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1. Каримов И.А.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
- 2. Каримов И.А.** Биз келажакни ўз қўлимиз билан қурамыз. Асарлар. 7-жилд. – Т., 1999.
- 3. Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2007.
- 4. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2010 29-декабрда қабул қилинган** ”2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 322-сонли Қарори. // Халқ сўзи газетаси, №74, 2010.
- 5. Ўзбекистон республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги Қонуни.** – Тошкент, 2003.

Манбалар:

- 6. Вамбери Ҳ.** Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т., 1990.
- 7. Заҳириддин Муҳаммад Бобир.** Бобирнома. – Т.: Юлдузча, 1989.
- 8. Ибн Арабшоҳ.** Темур тарихида тақдир ажойиботлари. 2-к. – Т., 1993.
- 9. Клавихо, Руи Гонсалес де.** Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406 гг.). – М., 1990.
- 10. Муҳаммед Амин-и Бухори.** Убайдулла-наме. – Т., 1957.
- 11. Наршахий.** Бухоро тарихи. – Т., 1991 (“Мерос туркуми”).
- 12. Ниёзий.** Ирошодуз Зироат Фи Илмил Хиросат. ЎзФАШИ қўлёзмаси, № 556, 42а, 42б саҳифалар.
- 13. Шарафуддин Али Йаздий.** Зафарнома. – Тошкент, 1997.
- 14. Фирдавсий.** Шохнома. 2 жилд. – Т., 1976.

Махсус адабиётлар:

- 15. Адилова Л.А.** Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма. – Т., 2000.
- 16. Аскарлов Ш.Д.** Регион - пространство - город. – М., 1988.
- 17. Алимов У.** История садово-паркового хозяйства Самарканда XIV-XV вв. Автореферат канд. дисс. – Т., 1974.
- 18. Алимов Ў.** Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи. – Т., 1984.
- 19. Адилова Л.А.** Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма.-Т., 2000.
- 20. Ахмедов М.Қ.** Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т., 1996.
- 21. Ахмедов М.Қ. Салоҳиддинова Д.З.** Ўрта асрлар жамоат бинолари ҳовлиларининг шаклланишида чортоқнинг ўрни. // Меъморчилик ва қуриш муаммолари илмий техник журнали. –Самарканд, 2007- №3. –Б. 19-23

22. Булатов М.С. Сады и парки Темура и Темуридов. // Маскан журнали, №2. 1993.
23. Бурлуцкая Л.В., Петрова С.Т. Каменистые сады. – М., 2005.
24. Генрих Белц. Фигурная стрижка деревьев.- М., 2008.
25. Вергунов А.П., Денисов М.Ф., Ожегов С.С. Ландшафтное проектирование.-М.1991.
26. Гарнизоненко Т.С. Справочник современного ландшафтного дизайна. – Ростов на Дону, 2005.
27. Голлвисцер Г., Вирсинч В. Сады на крышах.- М., 1972.
28. Дормидонтова В.В. История садово-парковых стилей. Учебное пособие. – М., 2004.
29. Кларк Э. Искусство исламского сада. // Пер. с.англ.-М.: “Ниола-Пресс”, 2008. – 208 с.
30. Курбатов В.Я. Всеобщая история ландшафтного искусства. Сады и парки мира. – М.: ЭКСМО, 2007.
31. Крижановская Н.Я. Основы ландшафтного дизайна.-Ростов-на-Дону, 2005.
32. Лихачев Д.С. «Поэзия садов» к семантике садово-парковой стилей. – Л.: Наука, 1982.
33. Мамадназаров М.Х. Архитектура народного жилища г. Самарканда и его современная модификация. Дисс. канд.архит. - Л., 1997.
- 34.Маматкулов Т.Ш. Улуғбек даври архитектураси. Номзод. дисс. автореферати. – Т., 2011.
35. Нозилов Д.А. Чорбоғ.-Т.: ТошДТУ, 1997.
36. Ожегова С.С., Уралов А.С., Рахимов К.Ж. Ландшафт архитектураси ва дизайни. ўқув қўлланма – Самарқанд, 2004.
37. Пугаченкова Г.А.Среднеазиатские сады и парки. // Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Т., 1987. – С.185-214.
38. Рандхава М. Сады через века. – М., 1981.
39. Салохиддинова Д.З. Ўзбекистон меъморчилигида ҳолви анъаналиринг шаклланиши ва ривожланиш тамойиллари. Номзодлик диссертациясининг автореферати. – Т., 2012.
40. Салохиддинова Д.З. Генезис трансформация внутренних дворов в жилой архитектуре Средней Азии. // Актуальные проблемы современного строительства. Тезисы докладов Международной научно-технической конференции. Пенза, 2007.-С.30-31.
41. Сычева А.В. Ландшафтная архитектура. –М., 2008.
42. Тохтаходжаева М.С. Общее в архитектурно-планировочных приемах садово-паркового искусства Средней Азии XIV- XV вв. и Индии XVI- XVII вв. // Градостроительства и архитектура. - Т., 1989.
43. Уралов А.С. “Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллар. // Архитектура, Қурилиш, Дизайн журнали. – Т.: ТАҚИ, 2010, № 1-2. - 23-26 б.

44. Уралов А.С., Рахимов К.Ж. Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, 2011 (қўлёзма).

45. Шацкая Т.В. Аквадизайн стран Востока. Учебное пособие. – Ташкент: ТашГТУ, 1997.

46. Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А. Амир Темурнинг боғ-саройлари. - Самарқанд, 1996.

47. Юсупова М.А. Традиции архитектурного сада "Чорбаг" в зодчестве Бухары XVI-XVIII вв. // Средняя Азия: археология, история и культура. – М., 2001.

48. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар. Муаллифи Алоуддин Мансур. – Т., 1992.

Интернет сайтлари

49. [http:// www. Landstyle.ru](http://www.Landstyle.ru)

50. sad@sad.ru

51. [http:// www.sadtorg.ru](http://www.sadtorg.ru)

52. [www_uznature_uz.hiv](http://www.uznature.uz)

53. www.Gardener.ru

54. [www.http://landscape design.ru](http://landscape.design.ru)